23 АПР 1991 ОПИСАНО

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

● № 71 (10.067). ● 1991 йил 12 апрель • жума ● Баҳоси 6 тийин.

БАҲСЛАРНИ ЙИҒИШТИРИБ ҚЎЙИБ, АМАЛИЙ ИШГА КИРИШАЙЛИК

ФЕДЕРАЦИЯ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАН

● 9 апрель куни СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида Федерация Кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисда мамлакат тақдирига, унинг барча фуқаролари ҳаётига дахлдор жуда муҳим муаммолар кўриб чиқилди. 17 март куни бўлиб ўтган СССР референдуми якунлари, иқтисодий битимлар қандай бажарилаётганлиги жумҳуриятларнинг, Совет давлати ва ҳукуматининг раҳбарлари иштирокида батафсил муҳокама қилинди.

М. С. Горбачев мажлисни оча туриб бундай деди: бугун Федерация Кенгашида қуйидагилар қатнашмаяпти. Ельцин татилга чиққан. Гамсахурдиа жумҳуриятидаги вазият мураккаблиги сабабли, Снегур бетоблиги, Горбунов бетоблиги сабабли кела олмади, Ландсбергис мажлисда ўзининг иштирок этишини зарур деб ҳисобламади, Рютель ҳам ўзининг ҳозир бўлишини зарур деб ҳисобламади. Биз иш бошлашимиз мумкин деб ҳисоблайман. Ҳозирги вазият ҳақида аниқ-равшан ва рўй рост гапириб ўтишни ғоят муҳим деб ҳисоблайман.

Гап турмушимизнинг негизлари ҳақида бормоқда, бу эса ҳар қандай фикрлардан, сиёсий ҳаракат дастурларидан юқоридир, бу ўринда шахсий иштиёқлар ва гуруҳ манфаатлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ҳозир бундай вазиятнинг сабабларини таҳлил этишга киришмоқчи эмасман. Бу ўринда ҳамма нарса — ўтиш даврининг қийинчиликлари, марказий, жумҳурият, маҳаллий идораларнинг хатолари, ўтмишдан бошланган муаммолар қоришиб кетган.

Аҳвол мана шундай, бунинг сабабларини биз таҳлил этиб чиқдик, бу таҳлилни давом эттириб, келажак учун сабоқ олиш керак. Аммо ҳозир жанжалларни бир чеккага суриб қўйиб ҳаракат қилиш, ҳаракат қилганда ҳам якка-ёлғиз эмас, балки жамиятнинг барча соғлом кучларини бирлаштириб зудлик билан ҳаракат қилиш лозим. Мамлакатнинг фалокатга гирифтор бўлишига йўл қўймаслик учун ҳаракат қилиш керак.

Вазиятни мана шундай тушунишга асосланиб, яқин вақт ичида бир қанча қатъий чораларни амалга ошириш зарур бўлади.

Биринчидан, Совет давлатини сақлаб қолиш ва янгилаш тадбирларини кўриш лозим. Халқ 17 мартдаги референдумда мана шу тақдирга дахлдор бўлган ҳаётий муҳим масала хусусида ўз фикр-иродасини билдирди. Ў ҳар қандай миллат кишисининг ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла-тўкис таъминланадиган суверен жумҳуриятларнинг янгиланган федерацияси бўлмиш ССР Иттифоқи учун овоз берди. Референдум якунларини ўзгартиришга, айниқса, унинг натижаларини инкор этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Энди бизнинг қўлимизда меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб, референдум маъқуллаган қоидалар асосида Иттифоқ давлатини янгилаш ва мустаҳкамлаш юзасидан изчил қатъий сиёсат ўтказиш учун халқнинг ваколати бор.

Янги Иттифоқ шартномаси тузилгунга ва янги Конституция қабул этилгунга қадар бизда қонунийликни ва бошқарув системасини мустаҳкамлаш, назоратни ва мансабдор шахсларга нисбатан талабчанликни кучайтириш соҳасида амалий иш қилиш учун асос бор. Шу негизга таяниб, аслида, жуда ўта кетган қонунсизлик бўлган «қонунлар уруши» деб атлаган «уруш»ни дарҳол тўхтатиш керак.

Яқин вақт ичида янги Иттифоқ шартномасини пухталаштириб, сўнгра уни имзолаш лозим. Эълон қилинган лойиҳани жумҳуриятларнинг Олий Кенгашлари ва СССР Олий Кенгаши сессияларида муҳокама қилиб, уни узил-кесил келишиб олиш зарур.

Шартноманинг имзоланиши Иттифоқ ва жумҳурият идораларининг вазифаларни фарқлаб қўйишга қонуний асосда киришиш ва шу тариқа баъзан ҳокимиятни ўзбошимчалик билан босиб олишни, беҳуда мунозараларни эслатадиган, ишончсизликка, гумонсирашга, нуқтан назарларни қарамақарши қўйишга олиб борадиган, пировард натижада жамиятга, одамларга зарар етказадиган, ишга ҳалақит берадиган ҳозирги жараёнга чек қўйиш имконини беради.

Бу эса янги Конституцияни тайёрлаш ишини ниҳоясига етказишга киришишга йўл очади, унинг лойиҳаси кейинчалик СССР халқ депутатларининг Съездида кўриб чиқилиши, сўнгра эса, эҳтимол, ялпи муҳокамага қўйилиши керак бўлади.

Иккинчидан, ижроия ҳокимиятнинг қуйидан юқоригача тенг ҳуқуқда тобелигини дарҳол тиклаш, юқори идораларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан уларнинг қарорларини бажармаганлик учун ижроия идоралари ва мансабдор шахсларга нисбатан ҳуқуқий, маъмурий ва иқтисодий жавобгарлик чораларини кўриш лозим. Бу ўринда ҳам тўла равшанлик бўлиши керак, демократия, мустақиллик байроғи остида мустақилликнинг ўзига, Иттифоқ давлатига, демократияга зарба урадиган, ўзгартиш лларнинг бутун йўлини шубҳа остига қўядиган жараёнлар авж олишига йўл қўйиб бўлмайди. Ҳозирги шароитда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолиятини тартибга соладиган қонунлар қабул этилишини қисқа муддатда ниҳоясига етказиш, улар системасининг бирлигини сақлаб қолиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш керак.

Учинчидан, миллатлараро можароларнинг давлат учун хатарли эканини эътиборга олиб, шу можароларга жалб этилган барча томонларга зўравонликни дарҳол тўхтатиш, ғайриконституциявий ҳужжатларни, миллий белгига қараб фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклашларни бекор қилиш ҳамда ўзаро мақбул сиёсий

(Давоми 2-бетда).

ИЖТИМОИЙ КАФОЛОТ

Партия ва совет идоралари, вазирликлар ва маҳкамалар раҳбарларининг Ўзбекистон пойтахтидаги олий ўқув юртлари ва техникумларида таълим олаётган талаба ёшлар ва уларни ўқитаётган профессор-ўқитувчилар билан учрашувларида бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш муаммолари муҳокама этилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари, моллар ва хизматларга нархнинг оширилиши, стипендияларнинг кўпайиши ва имтиёзли тарзда овқатланиш учун махсус талонлар берилиши муносабати билан компенсация тўлаш тартиби масалалари ўртага қўйилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиблари А. А. Абдувосиқов, К. Ю. Юсупов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков, «Шарқ юлдузи» ойномасининг бош муҳаррири Ў. Ҳошимов талабалар билан суҳбатлашдилар. **(ЎзТАГ).**

ПАРТИЯ ХОДИМЛАРИ СЕМИНАРИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети Бўстонлиқ районида шаҳар ва район партия комитетлари иккинчи котиблари, ташкилий бўлим мудирлари иштирокида семинар ҳамда вилоят партия комитетининг ташкилий-партиявий ва ҳуқуқий ишлар бўйича комиссиясининг мажлисини ўтказди.

Семинар иштирокчилари «Бўстонлиқ» совхози ва Ўрта Чирчиқ ГРЭСлари каскади партия комитетлари фаолияти мисолида район партия ташкилотининг партия сафларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги иши тажрибаси билан танишдилар.

Вилоят партия ташкилотида уюшқоқлик ва интизомни ошириш, бошланғич партия ташкилотлари котиблари фаолияти тажрибаси масалалари муҳокама қилинди, яқинда ташкил этилган ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари фаолиятининг дастлабки натижалари таҳлил этилди.

Семинар ва вилоят партия комитети комиссияси мажлисини Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети иккинчи котиби Ш. Н. Маҳмудова бошқариб борди.

Инсоннинг коинотга қилган биринчи парвозига 30 йил тўлди

МИСЛСИЗ ЖАСОРАТ

● ИНСОННИНГ коинот томон илк қадам қўйганига 30 йил тўлди. 1961 йил 12 апрель куни бутун жаҳон аҳли совет фуқароси Юрий Гагариннинг дастлабки парвозидан огоҳ бўлди. Шундан кейин янги давр — космик парвозлар даври бошланди. Кейинги воқеалар тез суръатлар билан ривожлана борди. Сайёрамиз вакиллари коинот қаърига, Ойга мунтазам парвоз қила бошладилар, Ердан анча олисда узоқ яшаб, ишлаш йўлга қўйилди. Автоматик станцияларимиз Қуёш мажмуининг энг олис нуқталаригача етиб борди, мазкур аппаратлардан бири ҳатто унинг сарҳадларидан чиқиб, номаълум сайёраларда мавжуд бўлиши мумкин бўлган бошқа онгли мавжудотларга биз ҳақимизда маълумот етказиш учун йўл олди.

Ҳозирги кунда коинотга қилинаётган парвозлар билан бировни ажаблантириш қийин. Бу гўё оддий ишга айланиб қолди. Фазогирлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Аммо , Юрий Гагарин номи тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб қолди. Шу пайтгача ва бундан кейин бўладиган барча космик тадқиқотлар бевосита унинг номи билан боғлиқ. Зеро у коинот томон йўл очган биринчи одам, бу соҳанинг Колумби эди.

Энди коинотга нафақат учувчилар, балки турли бошқа соҳа кишилари ҳам парвоз қила бошладилар. Хусусан, бир қатор журналистлар фазо кемаларида учишга ҳозирлик кўраётганликлари ҳақида матбуотда хабарлар босилиб чиқди. Ватандошимиз бундан 30 йил муқаддам очган коинот йўли кундан кунга гавжумлашиб бормоқда. Ушбу йўлда очилган келажак кашфиётлари кўлами қанчалик улкан ва беқиёс бўлишидан қатъий назар, улар Ю. Гагарин парвозининг давоми, у бошлаган ишнинг кейинги бир бўлаги бўлиб қолаверади.

Суратда: учувчи-фазогирлар Герман Титов ва Юрий Гагарин иккинчи совет фуқаросининг коинотга парвозидан сўнг ўзаро суҳбат чоғида.

ТАСС сурати.

Юрий Гагарин коинотга парвоз қилган куннинг 30 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш

Қозоғистонда ва Арманистонда, Украинада ва Болтиқбўйида ҳозирги апрель кунларида одамлар тилидан «Бизнинг Гагарин» деган сўзлар тушмаяпти. У парвоз қилгандан буён мамлакатда жуда кўп ўзгаришлар бўлди, лекин унга нисбатан хайрихоҳлик ҳам, Ватанимиз фан ва техникасининг бу катта ғалабасида барча республикаларнинг ҳиссаси борлиги туйғуси ўзгармай қолмоқда. Юрий Гагарин коинотга парвоз қилган куннинг 30 йиллигини тантанали нишонлаш учун 10 апрель куни Союзлар уйининг колонна залига келганлар бу ғалабадан фахрланишларини, коинотга йўл очганларнинг фидокорликларига қойил қолганликларини яширмасдилар. Бу ерга космодром қурувчилари ва фазовий техника конструкторлари, коинот саноати корхоналарининг ишчилари ва муҳандислари, олимлар, совет фазогир-учувчилари, чет эллик меҳмонлар тўпланди. Йиғилиш раёсатидан СССР Президенти М. С. Горбачев, СССР Олий Кенгашининг раиси А. И. Лукьянов, СССР Бош вазири В. С. Павловлар жой олдилар.

Йиғилишни М. С. Горбачев кириш сўзи билан очди. У бундай деди:

Азиз ўртоқлар! Ҳурматли меҳмонлар!

Биз сиз билан мамлакатимиз турмушидаги ва ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бутун инсоният маърифати тарихидаги буюк воқеани нишонлаш учун бу ерга тўпландик.

Бундан 30 йил муқаддам, баҳорнинг апрель кунларидан бирида Совет Иттифоқи фуқароси Юрий Алексеевич Гагарин инсоннинг коинотга парвозлари даврини бошлаб берди.

Гагарин шахсий жасоратининг тарихини атиги бир-икки жумла билан баён этиш мумкин; Россиянинг ноқоратупроқ зонасида туғилиб ўсган ишчи ўсмир ажойиб учувчи бўлиб етишди. Жаҳон олий даражасидаги энг янги техникани эгаллади. Ниҳоят совет Қозоғистони кенгликларида бунёд этилган «Бойқўнғир» космодромидан парвоз қилиб, ердан кўз кўриб қулоқ эшитмаган баландликка кўтарилди ва сайёрамизни атиги 108 дақиқада айланиб чиқди.

Ўша пайтда кўпчилик «рус мўъжизаси» деб ҳисоблаган бу воқеа аслида Циолковский, Королев, Келдиш ва Ватанимиздаги бошқа кўплаб машҳур олимлар ҳамда конструкторлар ижодий фикри парвозининг қонуний давоми бўлди. Бу яна ўн ва юз минглаб инженерлар, техниклар, ишчилар, амалда барча фан тармоқлари мутахассислари тинимсиз ижодий меҳнатининг натижаси ҳам бўлди.

Гагариннинг парвозида кўп миллатли бутун совет халқимизнинг буюк жасоратларидан бири ўз ифодасини топди. Бугун бу ҳақда эслатиб ўтиш икки баравар жоиздир. Зеро, биз кимлардир жуда хоҳлаганидек «Аждодлари кимлигини эсломайдиган Иван»га ўхшай олмаймиз. Буюк мамлакат халқнинг қудратига ишончни, ватанпарварлик руҳини, ватанимиз қудрати ва шуҳратини бунёд этганлар хотирасига миннатдорчилик туйғусини ҳеч ким сўндира олмайди! Совет космонавтикаси жаҳонда тан олинган фан, техника, саноат маҳсули сифатида эътироф этилмоқда. Мамлакат илмий-техникавий тараққиётининг ана шу етакчи йўналишини ривожлантиришга дахлдор бўлганларнинг барчасига катта раҳмат!

Ватанимиз ўзининг барча фазогирларидан ниҳоятда миннатдор. Ҳар бирингизга саломатлик ва мардлик тилайман, қадрли ўртоқлар! Сизларнинг рафиқаларингизни, оилаларингизни, барча қариндош-уруғларингиз ва ёр-биродарларингизни космонавтика куни билан қизғин табриклайман!

Бизнинг эзгу тилакларимиз ҳозир ер атрофидаги орбитада ишлаётган Виктор Афанасьев билан Муса Манаровга ҳам етиб боради, деб умид қиламан. Мана шу тантанали залдаги қутловларни улар ҳам эшитишсин.

Ракета-коинот техникасининг ажойиб фахрийларидан бениҳоя миннатдормиз!

Космонавтика эришган ютуқлар бизнинг кундалик турмушимиздан мустаҳкам ўрин олди. Булар — алоқа ва телевидениенинг фазовий системалари, геодезияда, геологияда, метеорологияда, навигацияда фазовий аппаратлардан фойдаланишдир.

Космонавтиканинг бугунги ва эртанги куни — бу янги дори-дармонлар, электроника учун ниҳоятда тоза материаллар, композиция материаллари олишнинг энг янги технологиялари, экология мониторинги, қуёш энергиясидан фойдаланишнинг янги қоидаларини ўзлаштириш ва кўплаб бошқа имкониятлардир.

Космонавтиканинг муваффақиятлари, халқ хўжалигининг турли соҳаларида у келтираётган фойда — бу лар барча республикаларнинг, бизнинг Совет Иттифоқидаги ҳамма халқларнинг ҳамкорлиги, самараси ва умумий мулкидир.

СССР Президенти сифатида космонавтика мамлакатимиз ишончли мудофаа қилинишига, қурол-яроғларни қисқартириш ва ишонч тадбирлари тўғрисидаги халқаро битимлар қандай бажарилаётганлигини назорат қилишга катта ҳисса қўшаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишим керак.

Бизнинг фазовий фанимиз ва техникамиз ҳозир халқаро ҳамкорлик учун ҳар вақтдагидан ҳам кенг очиқ. Совет Иттифоқи барча мамлакатлар БМТ ҳомийлигида коинот билан боғлиқ ахборотларни олиш тарафдори ва у бунинг учун ўз имкониятларини ишга солишга тайёр.

Биз Америка Қўшма Штатлари, Европа мамлакатлари, Хитой, Ҳиндистон ва Япония билан, амалда барча манфаатдор давлатлар ва ташкилотлар билан биргаликдаги фазовий тадқиқотларни давом эттириш ва ривожлантириш тарафдоримиз.

Шу муносабат билан биз нишонлаётган тантанада кўпгина чет мамлакатлардан келиб иштирок этаётган фазогирлар ва астронавтларни самимий, чин қалбдан қутлайман!

Халқаро ҳамкорлик истиқболлари барча томонлар учун манфаатлидир. Айниқса бизнинг мудофаа комплексимизнинг бир қанча етакчи тармоқлари ихтиёридаги жуда катта ақлу зиё ва ишлаб чиқариш имкониятлари конверсия қилиниши муносабати билан бундай ҳамкорлик янада манфаатлироқдир. Масалан, ниҳоятда қудратли ва экология жиҳатидан соф «Энергия» ракетаси ёрдамида бунёд этилиши мумкин бўлган ишончли ҳамда кўпчилик фойдалана оладиган телефон ва радиоалоқа учун мўлжалланган фазовий платформалардан, универсал ахборот системаларидан чет эллик шериклар билан биргаликда фойдаланиш имкониятлари тўғрисида айтиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Халқаро коинот куни арафасида Совет Иттифоқининг фазовий фани, техникаси ва саноатига давлат ва жамоатчилик томонидан зарур ёрдам берилса, тинчлик шароитида бизнинг халқимизга, қолаверса бошқа халқларга ҳам инсон турмушининг барча соҳаларида тобора сезилларлироқ фойдали натижалар бера олишига ишонч билдиришни истардим.

* * *

Королёв бошчилик қилган конструкторлик бюросининг вориси бўлган «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош конструктори Ю. П. Семёнов маъруза қилди.

Шундан кейин йиғилишда «Интеркосмос» Кенгашининг раиси академик В. А. Котелников, СССР фазогир-учувчиси авиация генерал-полковниги Г. С. Титов, дастлабки фазогир аёл, ҳозир эса чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Совет жамияти уюшмаси Раёсатининг раиси В. В. Терешкова, «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи слесари С. Л. Русаков сўзга чиқдилар.

Йиғилиш сўнгида уни бошқариб борган СССР Бош вазирининг ўринбосари Ю. Д. Маслюков ўз меҳнати билан фазовий техникани яратган ва Ватанимиз шуҳратини мустаҳкамлаганларнинг барчасини байрам билан яна бир бор табриклади.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков раислигида жумҳурият вазирликлари, идоралари, вилоят ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети раҳбарларининг Ўзбекистон умумхалқ ҳашарига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган кенгаши бўлди.

Жумҳурият Касаба уюшмалари федерацияси, Қизил Ярим ой жамияти ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳамда жумҳурият Меҳр-мурувват ва саломатлик жамғармасининг 1991 йил 20 апрель куни ҳашар ўтказиш ва шу куни ишлаб топилган маблағлардан ҳайрия мақсадларида фойдаланиш тўғрисида жумҳуриятимизнинг барча аҳолисига мурожаатномаси кўпгина меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида кенг қўллаб-қувватланаётгани таъкидланди.

Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгашига, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитетига, жумҳурият вазирликлари ва идораларига тармоқлар ва ҳудудларда тайёргарлик ишларини уюштирадиган, ҳашар ўтказиладиган куни одамларни иш билан таъминлайдиган муайян кишиларни ҳамма ерда аниқлаб чиқишни топширди. Ҳашарда қатнашадиган барча кишиларнинг юқори унумли меҳнат қилиши учун, айниқса халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий-маиший иншоотлар қурилиши, баҳорги дала ишлари, меҳнаткашлар яшайдиган ва ишлайдиган жойлардаги ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ва уларни тозалаш соҳасида юксак унум билан меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида топшириқ берилди.

Вазирлар Маҳкамаси меҳнат жамоаларининг ҳашар куни ишлаб топилган маблағларни корхоналар ва ташкилотлар касаба уюшмалари комитетларининг махсус ҳисобига ўтказиш ҳамда уларни меҳнат жамоалари кенгашларининг қарорлари асосида кейинчалик хайрия мақсадларида, асосан аҳолининг кам таъминланган қисмини қўллаб-қувватлашда, болалар уйларида қурилиши, баҳорги дала ишлари, меҳнаткашлар яшайдиган ва ишлайдиган жойларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ва уларни тозалаш соҳасида юксак унум билан меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида топшириқ берилди.

Вазирлар Маҳкамаси меҳнат жамоаларининг ҳашар куни ишлаб топилган маблағларни корхоналар ва ташкилотлар касаба уюшмалари комитетларининг махсус ҳисобига ўтказиш ҳамда уларни меҳнат жамоалари кенгашларининг қарорлари асосида кейинчалик хайрия мақсадларида, асосан аҳолининг кам таъминланган қисмини қўллаб-қувватлашда, болалар уйларида тарбияланаётганларнинг, ногирон болаларнинг, пенсионерлар ва ёрдамга муҳтож барча қарияларнинг овқатланишини ташкил этишда фойдаланиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади.

Оммавий ахборот воситаларига жумҳурият ҳашарига тайёргарликнинг боришини ва унинг ўтказилишини кенг ёритиш топширилди. Ўзбекистон ССР Давлат ҳисоб комитети ҳашар якунларини тезда чиқариши ва у ҳақда жумҳурият ҳукуматига ахборот бериши керак.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Ю. Юсупов қатнашди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси «Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш, уларни рўйхатга олганлик учун йиғиладиган тўлов тартиби ва уларнинг миқдори тўғрисида» қарор қабул қилди. У Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунини кучга киритиш тўғрисида» 1991 йил 15 февралдаги қарорига мувофиқ қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

Жамоат бирлашмалари уставларини Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги идораларида рўйхатга олганлик учун қуйидаги миқдорда тўлов олиниши белгилаб қўйилсин:

жумҳурият жамоат бирлашмаларидан	3000 сўм;
халқаро жамоат бирлашмаларидан	3000 сўм;
жумҳуриятлараро жамоат бирлашмаларидан	2000 сўм;
умумиттифоқ бирлашмаларининг жумҳурият бўғинларидан	2000 сўм;
фаолияти маъмурий-ҳудудий тузилмаларга дахлдор бўлган жамоат бирлашмаларидан	1000 сўм;

Қорақалпоғистон МССР ҳудудида фаолият кўрсатадиган жамоат бирлашмаларининг уставларини рўйхатдан ўтказиш учун тўлов миқдори Қорақалпоғистон АССР қонунлари билан белгиланади.

Ногиронлар, хотин-қизлар, фахрийлар, ёшлар ва болалар жамоат ташкилотлари уставларини рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни бериш учун белгиланган тўлов миқдорининг 10 фоизи олинади.

Ўзбекистон ССР Молия вазирлигига ва унинг жойлардаги идораларига тегишли адлия идоралари билан келишган ҳолда бошқа жамоат ташкилотларининг уставларини рўйхатдан ўтказиш учун олинадиган тўлов миқдорларини камайтириш ҳуқуқи берилди.

Жамоат бирлашмалари уставларини ўзгартириш ва қўшимча киритиш учун рўйхатдан ўтказиш тўловлари уларнинг уставлари рўйхатдан ўтказилаётганда тўланган тўловнинг 50 фоизи миқдорида олинади.

Жамоат бирлашмалари уставларини ва уларда кейинчалик бўлган ўзгаришлар ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказганлик учун тўлов олиш миқдори қарорга мувофиқ жумҳурият бюджети даромадига белгиланган тартибда ўтказилади.

БАҲСЛАРНИ ЙИҒИШТИРИБ ҚЎЙИБ, АМАЛИЙ ИШГА КИРИШАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

ечимларни излаш учун музокара бошлаш таклиф қилинсин. Шу йиллар давомида йиғилиб қолган ҳамма муаммоларни бартараф қилиш лозим. Бундай қилиш унчалик осон эмас, бироқ олий манфаатлар ҳаракат ва ҳулқ-атворнинг айни мана шундай мантиқини тақозо этади.

Тўртинчидан, мамлакатдаги вазиятни издан чиқараётган иш ташлашлар, митинглар ва бошқа сиёсий ҳаракатлар йил охиригача тўхтатиб турилиши эълон қилинсин.

Иқтисодий соҳада ишлаб чиқаришнинг бундан буён пасайишига, хўжалик алоқаларининг узилишига йўл қўймаслик юзасидан зудлик билан чоралар кўрилиши керак. Вазирлар Маҳкамаси шу иш билан шуғулланди, келишиб олинган ва жумҳуриятларнинг вакиллари имзолаган қарор бор. Президентнинг шу масалага оид Фармонининг амал қилиш муҳлати йилнинг II—IV чоракларига узайтирилсин, энг муҳими эса — базавий тармоқларнинг ишига тааллуқли бўлган қарорлар ва 1991 йилги иқтисодий битимда ёзиб қўйилган ҳамма чора-тадбирлар бажарилсин. Бу қарорлар ва чора-тадбирларни ҳар бир жумҳурият бажариши лозим, акс ҳолда ҳамма нарса ҳеч кимга кераксиз сафсатага айланиб қолади, бу эса одамларнинг асабини бузиб, норозилигига сабаб бўлади. Халқ қабул этилган қарорларни эътиборсиз қолдириш, уларнинг бажарилиши учун ташкилотчилик иши ва масъулият бўлмаслиги каби иш услубига қатъиян қарши чиқмоқда.

Жумладан, маҳсулотни жумҳуриятлар, вилоятлар, ўлкалар чегарасидан олиб чиқишни чеклаш юзасидан жумҳурият, маҳаллий идоралар бундан аввал қабул қилган қарорлар бир ҳафта муддат ичида бекор қилиниши лозим деб ҳисоблайман. Агар шундай қилмасак, ҳеч нарса ўзгармайди. Агар бирон бир кимса ҳар бир тонна хусусида буйруқ бериб, Умумиттифоқ бозорининг субъектлари бўлмиш корхоналар хўжалик фаолиятининг ҳар бир масаласи юзасидан кўрсатма бериб, шу тариқа ўзларини дадил ҳис қиладиган бўлса, бу нарса ўзини-ўзи алдашдир. Бунда ишни шундай йўлга қўйиш керакки, мазкур талабларни бажармасликда айбдор бўлган шахслар қаттиқ жавобгарликка тортиладиган, ҳатто эгаллаб турган лавозимларидан олиб ташланадиган бўлсин.

Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муҳимлиги эътиборга олиниб, колхоз ва совхозларни, қишлоқдаги бошқа товар ишлаб чиқарувчиларни, деҳқончилик-саноат мажмуи барча корхоналарини зарур ресурслар билан таъминлашнинг алоҳида тартиби жорий этилади. Қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда, айниқса, ҳосилни йиғиштириб олишда шаҳарликларнинг қишлоққа ёрдамлашувига давлат даражасида кафолат берилади. Вазирлар Маҳкамаси қишлоқ хўжалигининг нарх белгилаш янги шароитида саноат билан ва халқ хўжалиги бошқа тармоқлари билан тенг муносабатларини сақлаб қолиш тўғрисидаги масалани зудлик билан кўриб чиқсин. Бу масала эътибордан четда қолдирилса, лоақал бир ой кечиктирилса, иш шундай тус оладики, агар колхоз ва совхозлар ўтган йилни умуман салкам 58 миллиард сўм фойда билан якунлаган бўлсалар, шу йилнинг II чораги охирига бориб уларнинг ҳаммаси зарар кўрадиган бўлиб қолади. Улгуржи нархлар ўзгариши муносабати билан вужудга келган вазият мана шундай. Масала ҳеч пайсалга солинмай ҳал этилиши лозим.

Қишлоқни ижтимоий жиҳатдан ободонлаштираётган саноат, қурилиш, транспорт корхоналарини рағбатлантирувчи қўшимча омиллар жорий этилмоқда. Ер ислоҳотининг натижаси келгуси йил ҳосилида кўзга ташланиши керак. Иттифоқ миқёсида ҳам ва билишимча барча жумҳуриятларда ҳам бу хусусда зарур қонунлар бор. Маҳаллий ҳокимият идоралари ва хўжаликларнинг раҳбарлари бу қонунларнинг аниқ бажарилишини таъминлашга мажбурдирлар.

Бозорни мол билан мўлкўл таъминлаш биринчи галдаги вазифалигича турибди. Бу соҳада биз фавқулодда вазиятга биноан ва янгича тадбирларни амалга ошириб ҳаракат қилишимиз керак. Биринчи галда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган барча корхоналар учун имтиёзли тарзда пул билан таъминлаш ва имтиёзли солиқ жорий этилиши керак. Ишлаб чиқариш жамоалари қайси иш билан шуғулланмасинлар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан манфаатдор бўлишлари керак. Ҳозир ишлаб чиқариш эҳтиёжларига кетаётган кўп нарсалардан бозор фондларини тўлдириш учун фойдаланиш, мана шуларнинг ҳаммасини бозорга чиқариш, экспортни қисқартириш ва импортни кўпайтириш ҳисобига товар ресурсларини кўпайтириш лозим.

Тангликка қарши чора-тадбирлар бюджетни соғломлаштиришни, давлат камомадини қисқартириш йўлини қатъият билан ўтказишни, ҳар бир сўмдан фойдаланиш устидан жуда қаттиқ назорат ўрнатишни ўз ичига олади. Биз бу йилги иқтисодий битимнинг бюджетга, солиқ системасига, барқарорлаштириш ва пенсия жамғармаларини вужудга келтиришга, банк системасининг фаолиятига тааллуқли қисмининг бажарилиши қониқарсизлигига бундан буён бир кун ҳам тоқат қила олмаймиз. Бу йилнинг дастлабки ойларида биз молия соҳасидаги тартибсизликка ва давлатга қарши ишларга дуч келдикки, бундай шароитда Умумиттифоқ бозорини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, молиявий аҳволни соғломлаштириш, тангликдан чиқиб олиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу Иттифоқ бюджети, мамлакатнинг бутун молиявий системасига нисбатан ўтакетган талончиликдир, унга чек қўйилади.

Рўй-рост айтадиган бўлсам, бунда ҳар қандай тасодифий вазиятларни рўкач қилиш ўринсиздир. Биз йирик Умумиттифоқ ижтимоий дастурларини бажаришимиз, базавий тармоқларни қўллаб-қувватлашимиз, бир қанча жумҳуриятларга бюджетдан ёрдам беришимиз, мудофаани, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва давлат хавфсизлиги идоралари фаолиятини, фундаментал фанларни, маданиятни пул билан таъминлашимиз керак.

Нарх белгиланишини тартибга солиш, пухта кредит сиёсатини ўтказиш йўли билан сўмни мустаҳкамлаш, пул муомаласини тартибга солиш тангликка қарши энг муҳим чоралардан биридир. Энг муҳими шуки, бозорда пайдо бўладиган ҳар бир сўм ҳақиқатан ҳам ишлаб топилган пул бўлсин. Аввало, савдода ва умумий овқатланишда, маиший хизмат соҳасида, майда ва ўртача корхоналарга нисбатан давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш, ишбилармонликни ривожлантириш, иқтисодиётдаги монополизмни тугатиш, майда ва ўртача бизнесни қўллаб-қувватлаш, товар ва молия биржаларини жадаллик билан вужудга келтириш, сўмнинг бемалол айирбошланадиган бўлишига ўтиш хусусида фаол ҳаракат қилишни кучайтириш назарда тутилмоқда.

Меҳнатга қобилиятли кишиларнинг яшаш учун пул топишига имкон бериш ва айни вақтда меҳнатга лаёқатсиз ва ижтимоий жиҳатдан ночор кишиларни қўллаб-қувватлаш учун аҳолининг ижтимоий кафолатларини ва ижтимоий ҳимоялашишни вужудга келтиришга тангликка қарши чора-тадбирлар системасида биринчи даражали ўрин берилади. Бунинг учун яқин бир ой ичида нарх-наво ўзгариши муносабати билан аҳолининг даромадларини индекслаш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси СССР Олий Кенгаши муҳокамасига тақдим этилади. Энг оз истеъмол бюджетлари системасини вужудга келтириш соҳасидаги иш ниҳоясига етказилади, иш билан таъминлашнинг Иттифоқ-жумҳурият ҳизмати ва ижтимоий ишлар системаси вужудга келтирилади. Бозорга ўтиш шароитида соғлиқни сақлаш, таълим, фан ва маданият ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилинади.

Тангликка қарши дастурда қамраб олинадиган ва таклиф этилаётган чора-тадбирларнинг кичик бир қисминигина айтиб ўтдим. Дарров ҳамма нарсани ўзгартириб юборадиган биронта мўъжизакор иқтисодий восита йўқлигини уқиб олишимиз ва одамларга аниқ қилиб айтишимиз керак. Бу — биз танлаб олган бозор иқтисодиётига, ҳуқуқий давлатга ўтиш, Иттифоқни янгилаш йўли доирасидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташқи иқтисодий соҳада бир-бири билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларнинг бутун бир системасидир. Бу системани амалга ошириш — айниқса, ҳозирги вазиятда, иқтисодий ва ижтимоий воситалар издан чиққан бир пайтда осон иш эмас.

Шу сабабли мен ҳокимият тузилмалари фаолиятининг самарадорлиги, давлат интизоми ва тартибига, қонунийликка қатъий риоя этиш, ташаббус ва масъулиятни ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисидаги масалани яна бир бор ўртага қўймоқдаман. Шуни англаган ҳолда биз ҳамкорликка ҳам эришмоғимиз керак, шундагина танглик ҳолатлари бундан буён ҳам авж олишини тўхтатиб қола оламиз, йил охиригача муайян барқарорликка эриша оламиз, иқтисодиётни жонлантириш, мамлакатдаги вазиятни яхшилаш ва ислоҳотларни жадаллаштириш учун шароит ярата оламиз.

Сўзимнинг охирида тангликка қарши таклиф этилаётган дастур — ўта қийин иш эканини, аммо у бутун жамиятнинг манфаатларига мос бўлиб тушишини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Биз бу дастурни таклиф қилар эканмиз, барча жамоат кучларига ва ҳаракатларига сиёсий ихтилофларни иккинчи ўринга суриб қўйишни, мафкуравий жангларни йиғиштириб қўйишни тавсия этамиз. Шу жиҳатдан мен РСФСР халқ депутатларининг яқинда бўлиб ўтган Съездида марказ билан жумҳуриятларнинг ҳамкорлигига, баҳамжиҳат ҳаракат қилишга даъватларни табриклайман. Бундай даъватлар кейинги вақтларда барча анжуманларда, ҳамма жумҳуриятларда тобора кўпроқ қатъият билан янграб турибди. Бу — онгли равишда қилинаётган иш бўлиб, замонанинг амридир. Ҳозир ҳаракат қилиш ва амалий ишларни ҳал этиш — энг муҳим вазифадир.

Мамлакат Бош вазирининг биринчи ўринбосари В. Х. Догужиевнинг, Бош вазир ўринбосари В. И. Шчербаковнинг, Иттифоқ молия вазири В. Е. Орловнинг, СССР Давлат банки раиси В. В. Герашченконинг ахборотларида тангликка қарши дастурнинг аниқ қоидалари ойдинлаштириб берилди. Иқтисодиётдаги вазиятнинг турли жиҳатларига, вужудга келган қийинчиликларни бартараф этиш йўлларига тааллуқли саволларга жавоблар қайтарилди.

Бўлиб ўтган муҳокамада илгари қабул этилган қарорларга қарамай, ҳозирча иқтисодиётда яхшилик сари бурилиш бошланмаганлиги, ишлаб чиқаришнинг пасайиши давом этаётганлиги хусусида ташвишланиб гапирилди. Бунинг турли сабаблари, аввало, хўжалик алоқаларининг узилганлиги, маъмурларнинг фаолиятидаги келишмовчилик айтиб ўтилди. Бу сабаблар қор уюмидек тобора кўпая бориб, мамлакат халқ хўжалигини издан чиқармоқда, одамларнинг турмуш шароитини ёмонлаштирмоқда. «Қонунлар уруши» давом этаётганлиги катта знён етказмоқда. Меҳнат интизоми кескин бўшашиб кетганлиги, иш ташлашлар тўлқини, митингбозлик қийинчиликларнинг энг асосий сабабларидан бири эканлиги айтилди.

Бутуниттифоқ касаба уюшмалари конфедерациясининг номидан шу конфедерациянинг раиси В. П. Шчербаков сўзга чиқди. Касаба уюшмалари, деди у, нарх-наво кўтарилиши муносабати билан меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари ўткирлашиб бораётганини таъкидламоқдалар. Умумий овқатланишдаги компенсация даражасини ошириш зарурлигига эътибор қаратилди. Бунга меҳнат жамоалари ҳам ўз ҳиссасини қўшишлари лозим.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов, Қозоғистон Президенти Н. А. Назарбоев, Озарбайжон Президенти А. Н. Муталибов, РСФСР Олий Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Р. И. Хасбулатов, Украина Вазирлар Кенгашининг Раиси В. П. Фокин ва Қирғизистон Вазирлар Кенгашининг Раиси Н. И. Исанов ўз нутқларида жумҳуриятлардаги ишларнинг аҳволи, уларнинг қийинчиликлари ва эҳтиёжлари, Умумиттифоқ муаммоларини ҳал этишга ёндашувлар тўғрисида гапирдилар.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамаси муҳокама якунларини эътиборга олиб, тангликка қарши дастурни қўшимча равишда ишлаб чиқади ва ССР Иттифоқи Олий Кенгашининг муҳокамасига тақдим этади, деган қарорга келинди.

Кун тартибининг навбатдаги банди доирасида Иттифоқ шартномасининг лойиҳасини тайёрлаш юзасидан бундан буёнги қилинадиган иш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Умумхалқ овоз бериши давлатимизни сақлаб қолиш ва қайта тузиш тўғрисида қатъий бир фикр билдирганлигини нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Шунга амал қилиб энди янги Шартнома тузиш сари бориш зарур. Лойиҳа жумҳуриятларнинг парламентларида кўриб чиқилганидан кейин уни келишиб олишни бевосита Федерация Кенгашида ниҳоясига етказиш тўғрисида таклиф айтилди.

Мажлисда СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов ва СССР Бош вазири В. С. Павлов қатнашдилар.

Б. ГРИЩЧЕНКО,
Б. ШЕСТАКОВ,
ТАСС шарҳчилари.

ВОҚЕА АРАФАСИДА

КПСС рўйхатдан ўтмоқда

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси мамлакатдаги сиёсий партиялар орасида биринчи бўлиб умуминттифоқ партияси мақомини ва ҳуқуқий шахснинг барча ҳуқуқларини олмоқда. СССР Адлия вазирлигида 11 апрель куни КПССга уни рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома топширилади.

— КПСС тақдим этган барча ҳужжатлар жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунга қатъий мувофиқ равишда СССР Вазирлар Кенгашининг шу йил 10 январдаги қарорида тасдиқланган қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилган,— деб ҳикоя қилади СССР Адлия вазирлиги жамоат бирлашмалари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари **Н. Тузов.**— Рўйхатга олингандан сўнг КПСС ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлади, яъни қонуний асосда ўз мулкига, банкда ҳисоб варақасига эга бўлади, биноларни ижарага олиши, олди-сотди операцияларини амалга ошириши, бошқа битимлар тузиши мумкин бўлади.

— Ҳужжатларни расмийлаштириш чоғида қийинчиликлар бўлдими?

— Йўқ. Бизнинг барча талабларимиз бажарилди, биз эса фақат қонунга амал қиламиз. Ҳолбуки ҳужжатларни расмийлаштириш жуда қийин эди, ўзингиз тасаввур қилиб кўринг. Бу ҳужжатлар 1898 йилдан бошланган.

— Агар партияни қонун ҳимоя қилса, у қонунни бузган тақдирда жавоб бериши керак. КПСС фаолиятини ким назорат қилади?

— Шу вақтга қадар назорат қилиш жамоат ташкилоти рўйхатга олингани ёки олинмаганидан қатъий назар прокуратуранинг иши эди, у қонун бузилган тақдирда уни тузатиш тўғрисида судларга тақдимнома киритар эди. Устав рўйхатга олингандан кейин фаолиятни назорат қилиш ҳуқуқини СССР Адлия вазирлиги ўз зиммасига олади.

Уставга мувофиқ КПСС умумбашарий қадриятларга ва коммунистик идеалларга асосланган дастурий мақсадларни амалга ошириш, мамлакатда инсонпарвар демократик социализмни барпо этиш, инсоннинг ҳар томонлама эркин камол топиши учун шароитни таъминлаш билан ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар ҳамда социалистик йўлга содиқ бўлган бошқа табақаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан шуғулланиши лозим. Фуқаролар тотувлигига ва кўп миллатли Совет жамиятини жипслаштиришга эришади. КПСС ўз мақсадлари ва вазифаларидан қайтмайди ва бизнинг уни жавобгарликка тортишимизга тўғри келмайди, деб ўйлайман.

Н. СТЕПАНЧЕНКО,
ТАСС мухбири.
Москва.

• Инсоннинг коинотга қилган биринчи парвозига 30 йил тўлди •

МИСЛСИЗ ЖАСОРАТ

● СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) 1961 йил 14 апрелда мамлакат пойтахти — Москва аҳли жаҳоннинг биринчи фазогири Юрий Алексеевич Гагаринни ана шундай шодиёна билан кутиб олган; Москва вилоятидаги Ю. А. Гагарин номли фазогирлар тайёрлаш мактабида космик парвозларга ҳозирлик кўраётган германиялик синовчи-учувчи Клаус-Дитрих Фладе (чапда) ва физик Эвальд Рейнхольд (ўнгда) ҳамда Қозоғистоннинг фазогирликка биринчи номзоди Талгат Мусабоев ўрмондаги машғулотлар пайтида; совет космонавтикаси отахонларидан бири С. П. Королев Стрелка лақабли итни коинотга учиришдан олдин.

ТАСС суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Узоқ йил ҳалол меҳнат қилгани, шаҳар йўловчилар транспортини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва ижтимоий турмушда фаол қатнашгани учун қуйидаги ўртоқларга **«Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган транспорт ходими»** фахрий унвони берилсин:

Дмитриев Павел Дмитриевич — 1-троллейбус депосининг бошлиғи

Рустамов Сувон — ҳайдовчи

Чуприн Евгений Михайлович — ҳаракатдаги состав хизматининг бошлиғи

Қуйидаги ўртоқлар Ўзбекистон ССР Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлансин:

Исҳоқов Илҳомжон Икромович — ҳайдовчи

Қўшоқов Файзулло Яминович — авария-тиклаш хизматининг шофёри

Маҳамадалиева Зеби — ҳайдовчи

Сатторов Анас Сатторович — электромонтёр

Ҳадиров Ҳасан Жумаевич — ремонт-қурилиш бошқармасининг иш прораби

Шамов Борис Георгиевич — ҳайдовчи

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 10 апрель.

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

1991 йилнинг Май байрамлари кунларида меҳнаткашлар дам олиши учун қулай шароит яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида СССР Вазирлар Маҳкамаси 5 май якшанба дам олиш кунини 3 май жума кунига ва 12 май якшанба кунини 10 май жума кунига ўтказишга қарор қилди.

Айни вақтда корхоналар ва ташкилотларга тақчил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бошқа мақсадларда, ишлаб чиқариш заруратига асосланган ҳолда касаба уюшмалари комитетлари билан келишиб 4 май дам олиш кунини иш кунига айлантириш ҳуқуқи берилди. Бу иш куни томонларнинг келишувига мувофиқ бошқа пайтда дам олиш куни бериш йўли билан ёки икки ҳисса пул тўлаш усули билан қопланади. Бу кун ходимнинг хоҳишига кўра йиллик таътилга қўшилиши ва унга дам олиш кунларидаги тартибда ҳақ тўланиши мумкин.

• Дала ишлари кундалиги

КАРТОШКА КЎПАЯДИМИ?

КУНДАЛИК рўзғоримизни, емишимизни картошкасиз тасаввур қилолмаймиз. Шунинг учун ҳам уни иккинчи нонимиз деб эъзозлаймиз. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтилиб, нарх-наво кўтарилиб, гўшт танқис бўлиб қолган ҳозирги шароитда картошканинг қадри яна ҳам ортиши табиий ҳолдир. Шу туфайли ҳам бу экинга алоҳида муносабатда бўлиш жоиздир.

Шуни айтиш керакки, бундан уч-тўрт йил илгари картошка етиштириш анча камайиб, бозорларда илик узилди пайтида унинг нархи ҳаддан ташқари қимматлашиб кетганлиги маълум. Мутасаддиларимиз бу аҳволни яхшилаш учун кейинги икки-уч йил ичида зарур чора-тадбирларни амалга оширдилар. Экин майдонлари кенгайтирилиб, ўзимизда етиштириладиган картошканинг миқёси кўпайтирилди, бунинг устига четдан картошкани сара ҳолда олиб келиб аҳолига расамади билан тақсимлашга эътибор берилди. Буни дўконларда картошка билан савдо қилиш анча кўпайганлигидан ҳам билиб олсак бўлади.

Бу йил картошка етиштиришдаги аҳвол қандай! Келгусида унинг ялпи миқдори кўпаядими!

Бу саволга ишонч билан, ҳа, кўпаяди, деб дадил жавоб бериш мумкин. Бунга асос бор. Пахтадан бўшаган ерларнинг каттагина қисмига сабзавот билан бирга картошка экиш режалаштирилди. Бу йил вилоятимиз бўйича ҳаммаси бўлиб салкам 8 минг тонна картошка етиштирилади. Бу аввалги йиллардагига қараганда анча кўп. Кўпгина районлар, хўжаликларда бу ишга астойдил тайёргарлик кўрилди. Ҳосилдор ерлар ажратилиши билан бирга уруғликни ўз вақтида ғамлаб, вақтивақти билан саралаб туришга эътибор берилди. Ер етилиб, кунлар исий бошлаши биланоқ ишга киришилди. Мўлжал бўйича 3150 гектар ерга эртаги картошка экилиши керак эди. Бу режа ортиғи билан бажарилди.

Шу кунларда ўртаги экин экишга ҳам ҳозирлик кўрилмоқда. Бу иш май ойининг ўнинчи кунларига бориб тугалланади. Шундай қилиб, яна 1800 гектар ерга картошка экилади.

Оққўрғон, Ғалаба, Калинин районларида картошка экиш айниқса, уюшқоқлик билан ташкил этилди ва режа барвақт адо этилди. Коммунистик, Бўстонлиқ, Паркент сингари тоғолди районларидаги хўжаликлар ҳам картошка экишда яхши натижаларга эришаётганликларини қайд қилиш керак. Афсуски, бу муҳим ишга ҳамма ерда ҳам етарли эътибор берилянти, деб айтолмаймиз. Айниқса, бўкаликларнинг ишга муносабати кишини анча ажаблантиради. Бу районда уруғлик жамғаришга ҳафсаласизлик билан қарадилар. Кўпгина районлар уруғликни куз ва қиш ойларида ғамлаб қўйиб тўғри иш қилдилар. Бўкаликлар эса улгурамиз, ҳали вақт бор-ку, деб лоқайдлик кўрсатдилар. Кўклам бўй кўрсатиб келганидагина ҳаракатга тушдилар. Дўппи тор келиб қолган эди-да! Улар ўзларини ҳам қийнадилар, уруғ етказиб берувчи ташкилотларни сарсон қилиб, ташвишга солдилар. Шунинг учун ҳам бу районда режадаги 417 гектар ер ҳисобидан ҳозирги кунга қадар атиги 152 гектар ерга картошка экилди, холос. Буёкда эса чигит экиш ишлари бошланиб кетди. Ташвишлар кўпайгандан кўпайди.

Кўриниб турибдики, Бўка районини ҳисобга олмаганда умуман вилоятда эртаги картошкани экиш муваффақиятли тугалланди. Мақсад аҳолига мумкин қадар вақтлироқ, кечи билан май ойининг охирларидан бошлаб маҳсулот етказиб беришдир. Бу мақсадга эришиш учун эса астойдил ҳаракат қилиш, айниқса, плёнка тагига экиб қўйилган картошкаларни парвариш қилишда ҳушёрлик кўрсатиш, агротехника қонун-қоидаларига қатъий амал қилиш зарур. Ана шунда мўлжалдаги ҳосилни тўплаш мумкин.

Бироқ, деҳқонларни ҳар йили қийнайдиган бир муаммо борки, уни кўплашиб туриб ҳал қилиш керак. Гап картошка экинига бир неча йилдан буён жиддий знён етказиб келаётган колорадо қўнғизи устида бормоқда. Олимларимиз томонидан бу ҳашаротга қарши ишлаб чиқилган дори-дармонларнинг фойдаси кам бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунинг устига бу йилдан бошлаб заҳарли химикатлардан фойдаланиш жуда қисқартирилиб, ҳатто ман қилиб ҳам қўйилди. Лекин кўл қовуштириб туришга ҳам ҳақкимиз йўқ. Катта машаққатлар эвазига етиштириладиган ҳосилни ҳашаротга ем қилиб қўймаслигимиз зарур. Бунинг ҳозирча бирдан-бир чораси — қўл воситасида курашишдир. Бу деҳқонлардан, далада меҳнат қиладиган ҳар бир кишидан ҳушёрликни талаб этади. Картошказорларда кузатувчиларни кўпайтириш муҳимдир. Қаерда қўнғиз пайдо бўлиши аниқланиши билан уни қўлда териб йўқ қилишга киришиш керак. Бунинг учун тегишли идоралар томонидан маблағ ажратилган. Ҳар бир дона қўнғиз учун бир тийиндан тўланади. Бу аянчли ва кулгили ҳол бўлса-да, ҳозирча шу йўлни тутишга мажбурмиз.

Деҳқон элни едириш, тўйдириш тараддудида астойдил енг шимариб ишга киришди. Унга ҳар жиҳатдан ҳамкор, мададкор бўлсакгина, ризқ-рўзимизнинг кўпайишига ёрдам берган бўламиз.

Н. РИХСИЕВ.

ФОЙДА—ЖАМОА МЕҲНАТИ КЎЗГУСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ҳукм сураётган иқтисодий танглик, узоқ йиллар давомида таркиб топган ва барқарор бўлган ўзаро хўжалик ҳамкорлиги ришталарининг узилиши, хом ашё, материаллар, бутловчи маҳсулотлар етказиб берувчилар билан буюртмачилар ўртасидаги алоқаларнинг сусайиши, айрим ҳолларда тамомила узилиши вилоятимиз иқтисодиётидаги аҳволнинг мушкуллашишига, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг секинлашишига, кўп ҳолларда орқага қайтишига олиб келмоқда.

Албатта иқтисодиётдаги камчиликларни фақат шулар билан изоҳлаб бўлмайди. Бунинг устига ҳамма меҳнат жамоаларида мавжуд резервлар ва имкониятларни қидириб топиш, ишга солиш билан астойдил шуғулланмаслик, чунончи мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари, айниқса унинг янги ишга туширилганлари, қайта қурилиб такомиллаштирилганларидан тўла фойдаланмаслик, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор шаклларини етарли жорий қилмаслик, ҳар бир ишчи-хизматчининг моддий манфаатдорлигини меҳнатининг пировард натижасига, айниқса сифатига боғлиқ қилиб қўймаслик ва бошқа шу каби кўпдан-кўп нуқсонлар ҳам шунга олиб келаётганлигини таъкидлаш керак.

Ишбилармон, уддабуррон, ўз соҳасининг етук билимдони, ишчилар билан тил топа оладиган, уларнинг ташвишлари билан яшайдиган кишилар раҳбарлик қилаётган меҳнат жамоалари ҳозирги мураккаб шароитларда ҳам бир маромда ишлаб, зиммаларидаги вазифаларни бемалол бажармоқдалар. Лекин ўнлаб корхоналар жамоалари ўз фаолиятларининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини уддалай олмаяптилар.

Буни фойда олишда ҳам кўрса бўлади. Ҳаммага маълумки, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, айниқса меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий турмуш даражасини ошириш бўйича белгиланган тадбирларнинг тўла рўёбга чиқарилиши кўп жиҳатдан халқ хўжалиги тармоқларида кўрилаётган фойдага боғлиқ. Ў қанча кўп олинса бундан бевосита меҳнат жамоаси наф кўради, унинг муайян қисми маҳаллий бюджетга ҳам ажратилади. Қисқаси, у фаровонликни таъминлашнинг асосий омилларидан биридир.

Афсуски, кейинги йилларда вилоят халқ хўжалигида фойда белгиланган миқдорда олинмаяпти. Ўтган йил якуни ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Кўрилган фойда миқдори режадагига нисбатан тўқсон олти фоизда қолиб кетди. У белгиланганидан йигирма миллион сўмча кам олинди. Ҳатто олдинги йилдагига қараганда ҳам оз бўлди. Қирқ миллион сўмдан камроқни ташкил этди Умуман саноат ҳам, алоқа ва пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотлари ҳам режани бажармадилар.

Ўтган йили фақат давлат қишлоқ хўжалик кооперативининг саноат корхоналаригина бундан мустаснодир. Уларнинг меҳнат жамоалари фойда олиш ўн бир ойлик топшириғини анча ортиғи билан бажарган эдилар. У деярли бир юз беш фоиз қилиб адо этилди. Йилнинг сўнгги ойида ҳам шундай натижага эришилди. Қўшимча олинган фойда ҳажми икки миллион сўмдан ҳам ошиб кетди.

Бу ютуқда Тошкент гўшт комбинати, Ғазалкент консерва заводи меҳнат жамоаларининг салмоқли ҳиссалари бор. Гўшт комбинатининг режадан ташқари ишлаб топган фойдаси бир ярим миллион сўмликдан ҳам ошиқроқ бўлди. Консервачилар эса қўшимча икки юз минг сўм фойда олдилар. Бу маблағларнинг анчагина қисми ишчи-хизматчилар ўртасида тақсимланди, мукофот сифатида тўланди, ундан маҳаллий бюджет ҳам ўз улушини олди.

Иқтисодиётимизнинг, айниқса, етакчи тармоқлари бу муҳим кўрсаткич бўйича оқсаб қолмоқда. Масалан, саноатни олиб кўрайлик. Бу тармоқ бирлашмалари ва корхоналари фойда олиш режасини тўқсон биру ўндан етти фоиз қилиб адо этди. Унинг камайиши олдинги йилдагига нисбатан 32,5 миллион сўмни ёки 8,5 фоизни ташкил этди. Қатор шаҳарлар ва районлар фойда олиш топшириғини бажармади. Олмалиқда бу кўрсаткич 76,4 фоиз, Чирчиқда эса 85,3 фоиз бўлди. Оҳангарон, Ғалаба, Коммунистик, Оржоникидзе, Паркент ва Пискент районлари ҳам фойда олишда маррадан озми-кўпми орқада қолди

Бу муҳим иқтисодий кўрсаткич бўйича белгиланган натижаларга эришмаётган корхоналар ва ташкилотлар сони ҳамон кўплигича қолмоқда. Биргина саноатда 55 та корхона режани уддаламади. Улар вилоятдаги барча корхоналарнинг 32,2 фоизини ташкил этди. Ололмаган фойдалари эса деярли етмиш бир миллион сўм бўлди. Корхоналар ўртасида бу соҳада «рекордчилар» ҳам бор. Айниқса вилоятимизнинг етакчи корхоналаридан бири Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг «улуши» катта бўлди. Бу ерда режадагига нисбатан 41 миллион 840 минг сўм кам фойда олинди. Бу миқдор умуман вилоятимиз саноати ололмаган фойданинг ярмидан ҳам кўпроғини ташкил этади. «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам ундан «қолишмасликка» ҳаракат қилмоқда. Бўлмаса бирлашма белгиланганидан

ИҚТИСОДИЙ МАВЗУДА

деярли ўн уч ярим миллион сўм кам фойда олармиди? Бундай меҳнат жамоалари қаторида Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи ҳам бор. Унинг кўрган зарари икки миллион сўмга яқин бўлди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини бажармаганлиги оқибатида шундай кўп миқдорда зарар кўрди. Истеъмолчиларга йил давомида 51,5 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот етказиб берилмади. Буюртмачиларга юборилмаган сараланган мис миқдори 22 миллион сўмликдан кўпроқни ташкил этди. Шунингдек молибден, рух, олтингугурт кислотаси, мис ғўласи ва бошқа маҳсулотлар бўйича ҳам аҳвол шундай бўлди. Ҳатто кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш режаси ҳам ўлдажўлда қолди

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида белгиланганидан кам фойда олинганлигининг асосий сабаби шундаки, корхона мижозларга карбамид етказиб беришни, айниқса экспорт учун бундай маҳсулотни жўнатишни барбод этганлигидадир. Полипропилен қопнинг етишмаслиги шунга олиб келди. Уни етказиб беришни ўз зиммасига олган «Союзсельхозпромэкс п о р т» идораси панд берди. У етти юз мингта ўрнига бор-йўғи юз мингта шундай қоп билан таъминлади. Қоп етишмагач мўлжалдаги маҳсулотни хорижга жўнатиш мумкин бўлмади.

Бизда фойда олмайдиган, бунинг устига бюджетдан қўшимча маблағ олиб, кўраётган зарарини унинг ҳисобига қоплаётган корхоналарнинг ҳали ҳам борлиги вилоятнинг молиявий аҳволини янада мушкуллаштирмоқда. Ваҳоланки, бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик бошланиб кетган ҳозирги кунда бундай корхоналар умуман бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда улар таназзулга юз тутадилар. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар вилоят иқтисодиёти учун зарур бўлганлиги учун ҳам сақлаб турилипти. Ҳозир бешта режали-зарар келтирувчи корхоналар бор. Бундай корхоналар бир йил давомида 8 миллион 130 минг сўмлик зарар кўрди.

Оҳангарондаги «Сантехлит» заводи ҳам шундай корхоналар тоифасидандир. У режалаштирилганига мувофиқ бир йилда 1 миллион 39 минг сўм зарар келтириши керак эди. Амалдагиси деярли икки миллион сўмга яқин бўлди. Ёки Бекободдаги ғишт заводини олиб кўрайлик. У белгиланганига қараганда ўн тўққиз баравар кўп зарар келтирди. Ангрендаги картон фабрикаси зарарни анча камайтирди. У салкам ўн уч миллион сўм ўрнига 5311 минг сўм зарар келтирди. Албатта, буни ҳам ижобий баҳолаш мумкин эмас. Ахир шунча пул бошқа ишларни бажариш учун асқотиши мумкин эди. Умуман зарар келтирувчи корхона, ташкилотлар бўлмаслиги даркор. Бозор иқтисодиёти шуни қатъий талаб қилади.

Кўпгина корхоналар ва ташкилотлар буюртмани белгиланган муддатда бажармайди, турли хил фойдасиз харажатларга, чунончи вагонларнинг юк тортиш-тушириш вақтида ортиқча туриб қолишига ва бошқа шу каби камчиликларга йўл қўядиларки, бу ҳам катта маблағни ташкил этади. Ўтган йили бундан кўрилган зарар 27,5 миллион сўмликдан ҳам ошиб кетди. Олмалиқ химия заводи 2604 минг сўм, Бекобод металлургия заводи 2518 минг сўм, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси 3729 минг сўм, Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати 1438 минг сўм миқдорида турли жарималар тўлади. Бу, аввало, шу корхоналар меҳнат жамоалари учун зарарлидир. Оқибатда режадаги қанчадан-қанча хайрли ишлар амалга оширилмай қолди.

Қурилиш ташкилотлари ҳам фойда олиш режаларини бажаришдан анча орқада қолди. Ўтган йили бу кўрсаткич бўйича топшириқ 93,1 фоиз қилиб бажарилди, холос. Фойда олиш режаларини уддалай олмаётган ташкилотлар сони кўплигича қолмоқда. Ўтган йили уларни солиштириш улуши 51,3 фоизни ташкил этиб, саксонтадан ҳам ошиб кетди. Олинмаган фойда ўн миллион сўмдан ортиқроқ бўлди.

Фойда ҳар бир меҳнат жамоаси фаолиятининг ойнаси, деб бежиз айтишмайди. Унинг ишига баҳо беришда шу кўрсаткич асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Бу соҳа бўйича режани бажариш учун, аввало, корхона-ташкилотлар бир маромда ишлаши, маҳсулот, бутловчи материаллар етказиб берувчилар билан буюртмачиларнинг ҳамкорлиги мустаҳкам бўлиши керак. Бунга эришиш учун биринчи навбатда Иттифоқ шартномасини тезроқ тузиш керак. Чунки бу ҳар бир корхонамиз мамлакатнинг турли республикаларидаги юзлаб корхона-ташкилотлар билан эски алоқаларини қайта тиклаши, янада ривожлантириши учун жуда муҳимдир. Уни пайсалга солиш ёки судраш иқтисодиётдаги мушкулотларнинг янада кучайишига олиб келиши турган гап. Айни вақтда ички имкониятларни ҳам ишга солиш билан шуғулланиш, олма пиш оғзимга туш қабилида иш тутмаслик лозим.

М. МИРҲАМИДОВ.

МАВЗУГА ҚАЙТИБ: ЯНА БЎСТОНЛИҚ ЭКОЛОГИЯСИ ҲАҚИДА

ОҚТОШНИНГ СУВИ ҚАНИ?

1990 ЙИЛДА рўзномамизда Бўстонлиқ райони экологиясида юз берган муаммолар ҳақида туркум мақолалар эълон қилинди. Бу масала халқ депутатлари вилоят Кенгашининг IV сессиясида ҳам муҳокама қилинди. Тегишли тадбирлар белгиланди.

Булар яхши, албатта. Лекин назаримизда энг муҳими юзта қарор ва тадбирдан кўра битта амалий иш қилишдир. Афсуски, ҳозирча бу борада етарли амалий ўзгариш сезилмаяпти. Рўзномага хат йўллаган Тошкент Давлат муаллимлар олийгоҳининг профессори П. БАРАТОВ яна шу мавзуга қайтиб ўз фикр-мулоҳазаларини куюнчаклик билан ифода қилибди. Мактубда муаллифнинг бир қатор диққатга сазовор таклифлари ҳам бор. Шунинг учун уни рўзномада эълон қилишга қарор қилдик.

МАНА олдимизда Бўстонлиқ районининг харитаси. Унда Оқтошсойни Чирчиқ дарёсига келиб қўшилганлиги кўрсатилган. Аслида шундайми? Асло йўқ. Чунки ҳозир Оқтошсойнинг суви ёзда жуда камайиб Сойлиқ қишлоғининг ярмидаёқ қуриб қолади. Хўш, бунга нима сабаб? Маълумки, Оқтош водийси ўзининг гўзал ва бетакрор табиий манзараси, зилол сувлари, мусаффо ҳавоси билан Бўстонлиқ районидаги энг шифобахш жойлардан биридир. Бу гўзал табиати, шифобахш хусусияти унинг табиий манзарасининг салбий томонга ўзгаришига, хусусан зилол сувларнинг ифлосланиб камайиб кетишига олиб келди. Шу ўринда бир савол туғилади. Нима учун бир маҳаллар шиддат билан сойни тўлдириб оқиб, Чирчиқ дарёсига йил бўйи қуйиладиган Оқтошсойнинг зилол суви ҳозир камайиб, ифлосланиб кетди?

Бу саволга жавоб беришдан олдин тарихга бир назар ташлайлик. Бундан 40—45 йил муқаддам Оқтошсойда сув ҳозиргига нисбатан анча кўп бўлиб, унинг кучи билан 6 та сув тегирмонлари ишлаб, Сойлиқ қишлоғидаги ерларни суғоришга ҳам етар, кўплаб қорабалиқ тутилар эди. Узида етиштирилган дон маҳсулотлари Оқтошсой суви билан ишлайдиган тегирмонларда янчилиб, ун қилиниб Сойлиқ қишлоқ аҳолисининг унга бўлган эҳтиёжини тўла қондирар эди.

1950—1955 йиллардан бошлаб Оқтош водийсининг ўша гўзал, хушманзара, зилол сувли жилға ва булоқлари атрофида бетартиб равишда бирин-кетин дам олиш жойлари, пионер лагерлари, пансионатлар, баъзи ташкилотларнинг шанба ва якшанба кунлари келиб дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган «оромгоҳлари» қўзиқориндек қурила бошланди. Шуниси қизиққи, бу бинолар асосан Оқтошсойни сув билан таъминлайдиган жилғалар, сойлар ва булоқлар бошига қурилди. Бу пионер лагерлари, дам олиш жойлари ва «оромгоҳ»лари «Сув қонуни асослари» қоида-қонунларига мутлақо риоя қилмаган ҳолда, ўша булоқ, жилға, сой сувларидан худди «отасидан қолган меросдек» хоҳлаганича фойдалана бошладилар. Бу ноҳуш ишларни кўра туриб на район раҳбарлари, на қишлоқ оқсоқоллари уларнинг мушугини пишт дейишмади. Тўғри, ҳар бир фуқаро, болалар дам олиб, ҳордиқ чиқариш ҳуқуқига эга. Лекин менимча дам олиш корхоналари, пионер лагерлари ва бошқа оромгоҳларни шундай жойлаштириш керакки улар табиатга, хусусан сув ҳавзаларига зарар етказмайдиган, уни ифлосламайдиган зонага қурилиши керак. Аммо Оқтошсой ҳавзасида жойлашган ўнлаб пионер лагерлари, дам олиш корхоналари булоқ, жилға ва сой ёнига қурилган. Бундай қурилишларга Чкалов номли Тошкент авиабирлашмаси, «Чирчиқхимпром» бирлашмасининг пионер лагерлари, «Чирчиқхимпром» бирлашмасининг дам олиш зонаси, Ўзбекистон мусаввирлар уюшмасининг дам олиш жойи ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш кифоя.

Натижада улардан чиққан чиқиндилар, яроқсиз сувлар эса деярли тозаланмасдан Оқтошсойга оқизилиб, уни ифлослантирмоқда. Бунинг устига Оқтошсойнинг бир неча ердан тўсиб, бетартиб равишда «ҳовузчалар» ясаб, чўмилувчилар сони ортиб бормоқда. Бу сувдан эса қуйида жойлашган Сойлиқ қишлоқ аҳолиси истеъмол қилмоқда. Ким кафолат беради ўша ҳовуздан чиқувчи сув-ларда ҳар хил касалликларни қўзғатувчи ёки юқтирувчи микробларнинг йўқлигига. Чунки ўша сувларнинг тозалигини назорат қилиб турувчи ташкилот йўқ-ку! Бечора қишлоқ аҳолиси эса «тақдир шу экан-да», деб дардини кимга айтишини билмай, ифлос сувни истеъмол қилиб келмоқда. Чунки бошқа чора йўқ, сабаби қишлоқда водопровод тармоқлари ишга тушмаган.

Оқтошсой юқоридаги сабабларга кўра ифлосланишидан ташқари унинг суви ҳам озайиб, бундан 40—45 йил илгари 6 та тегирмонни юргизган сой бугунги кунга келиб, жуда озайиб, баъзи йиллари қишлоққа етмай қуриб қолиш ҳолатлари ҳам юз бермоқда. Бунга асосий сабаб юқорида айтганимдек Оқтошсойни сув билан таъминлаб турувчи ёки юқтирувчи микробларнинг йўқлигида. Чунки ўша сувларнинг тозалигини назорат қилиб турувчи ташкилот йўқ-ку! Бечора қишлоқ аҳолиси эса «тақдир шу экан-да», деб дардини кимга айтишини билмай, ифлос сувни истеъмол қилиб келмоқда. Чунки бошқа чора йўқ, сабаби қишлоқда водопровод тармоқлари ишга тушмаган.

Оқтошсой юқоридаги сабабларга кўра ифлосланишидан ташқари унинг суви ҳам озайиб, бундан 40—45 йил илгари 6 та тегирмонни юргизган сой бугунги кунга келиб, жуда озайиб, баъзи йиллари қишлоққа етмай қуриб қолиш ҳолатлари ҳам юз бермоқда. Бунга асосий сабаб юқорида айтганимдек Оқтошсойни сув билан таъминлаб турувчи Оқтошсойнинг қоқ ёқасига қурилишига розилик билдиришса. Буни қандай тушуниш мумкин?

Биз пионер лагерлари, дам олиш корхоналари қурилишига қарши эмасмиз. Аммо улар шундай жойга қурилсинки, оқибат натижада сув ҳавзаларига зарар етказмасин, уни ифлосламасин, аксинча ўша жой табиатини янада кўркам, гўзал бўлишига олиб келсин, мевали дарахтларни кўпайтирсин. Бу жиҳатдан қараганда Сойлиқ қишлоғида жойлашган жумҳурият Давлат режа қўмитасининг дам олиш корхонаси, жумҳурият вазирлар маҳкамасининг пионер лагерини намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Бу муассасалар хўжаликка яроқсиз ерларда, сув ҳавзаларидан анча узоқда жойлашган бўлиб, ер ости сувидан фойдаланмоқда. Шунингдек, ўз ҳудудидаги ерларга ҳар хил мевали дарахтлар экиб, табиатни янада кўркам бўлишига кўмаклашмоқда.

Оқтошсой ҳавзаси табиатининг ифлосланишида, экологик ҳолатининг ўзгаришида баҳор ва ёзда шанба, якшанба кунлари чиқиб бетартиб равишда дам олувчиларнинг ҳам таъсири катта. Бундай дам олувчилар баҳорда мевали дарахтлар гулларини синдириб «гулдасталар» ясайдилар, лола, чучмома каби ўсимликларни шафқатсизлик билан юладилар, пайҳон қиладилар. Бунинг устига дам олган жойларини тозалаш у ёқда турсин, қоғоз, шиша, консерва банкалари, ҳар хил чиқиндиларни чор-атрофга ташлаб кетадилар, ниҳоллар пайҳон қилинади. Оқибатда келгуси йили ўша жойда ўсимликлар кўкармай қуриб қолади. Бу эса Оқтошсой ҳавзасидаги сув ресурсларига салбий таъсир этади.

Оқтошсой ҳавзасида табиатнинг кўркам бўлиши ва сув ресурсларини тоза сақлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни зудлик билан амалга ошириш керак, деб ҳисоблайман.

Мавжуд пионер лагерлари, дам олиш корхоналаридан чиқаётган ифлос сувлар ягона канализация тармоғига уланиб, хавфсиз жойга чиқариб ташланса тўғри бўларди. Оқтошсой ва унинг атрофидаги чўмилиш учун қурилган ҳовуз сувларини табиий сув оқимига тушишига мутлақо йўл қўймаслик, пионер лагерлари, дам олиш корхоналари истеъмоли учун зарур бўлган сувларни булоқ ва жилғалардан эмас, балки ер остидан олиб фойдаланиш. Бундан буён Оқтошсой ҳавзасида пионер лагерлари, дам олиш корхоналари қурилишини тартибга солиш, пионер лагерлари, дам олиш корхоналари истеъмоли учун олинаётган сув устидан қатъий назорат ўрнатиш, ифлос, чиқинди сувларнинг сув ҳавзаларига оқизганлиги учун сув қонуни асосларида кўрсатилган жазоларни қўллаш зарур.

П. БАРАТОВ,
Тошкент Давлат муаллимлар олийгоҳининг профессори.

Тошкент ҳақиқати га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

НУҚСОНЛАР ТАН ОЛИНДИ

ЎРТА Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз ўтган йилги режадаги 510 ўрнига 550 тонна сут, 16 ўрнига 18 тонна гўшт етиштирди. 192 ўрнига 201 бош бузоқ олиб, яхши натижаларга эришди. Ғазетанинг 11 январь сонида босилган «Чорвадорларга ғамхўрлик қани?» сарлавҳали мақолада юқоридаги натижаларга эришган чорвадорларга қандай шароитлар яратилгану, нималарга эътибор берилмагани кўрсатиб ўтилганди.

Район ижроия комитетининг раиси М. Қалқуловдан олинган жавобда мақола колхоз бошқаруви ва партия комитети йиғилишида муҳокама қилинганлиги, кўрсатилган камчиликлар тўғри эканлиги тан олинганлиги, уларни бартараф этиш учун зарур тадбирлар белгиланганлиги хабар қилинади.

Жумладан, ичимлик сув етказиб берувчи насос алмаштирилиб, ишга туширилган. Фермада 200 бош қорамолга мўлжаллаб қурилаётган қўшимча бинони ноябрь ойигача тугаллаш режалаштирилган. Бу ерда меҳнат қилаётган чорвадорларга маданий-маиший, тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Сут соғувчилар ҳамда молбоқарларнинг меҳнат отпускасига чиқиш муддатлари аниқланиб, шу даврда уларга дам олиш учун йўлланмалар бериш тадбирлари белгиланди. Вақтиваҳти билан республикамизнинг турли шаҳарларига саёҳат уюштириш графиги тузилди. Шунингдек колхоз бадиий ҳаваскорлари, шифокорлари томонидан ҳам хизмат кўрсатиш тез-тез уюштириб турилибди. Белгиланган тадбирларнинг бажарилиши район ижроия комитети томонидан кузатиб борилмоқда.

МИННАТДОРМИЗ

● ПАРКЕНТ. Шампан қишлоқ касалхонасининг шифокори Абдумалик Толиповдан кўплаб беморлар, уларнинг қариндош-уруғлари миннатдор. Барака топгур бу дўхтир фақат дори-дармонлар билангина даволаб қўймай, ширин сўзлари, ўринли маслаҳатлари билан ҳам жонга малҳам бўлар экан. Яқинда ўғлимиз Мухторжон қаттиқ бетоб бўлиб қолиб, ана шу шифохонага ётқизилган эди. Шунда А. Толиповнинг қандай нажоткорлигини билиб олдик. Ҳалол ва меҳрибон бу ҳакимга чин дилдан раҳмат.

У. ТОШПЎЛАТОВ.

ҲАВАСКОРГА ҲАМ МАҲОРАТ КЕРАК

ҲИСОБ-китобларга қараганда пойтахтимиз кўчалари ҳозирда мавжуд автомашиналарнинг тенг ярми ҳаракатланишига мос экан. Демак, ўз-ўзидан маълумки, 50 фоиз «ортиқча юк»ланган бу кўчалар, айниқса, ҳайдовчилардан етарли маҳорат, билим, хавфни тез илғай олишдек қобилиятларини талаб қилади. Давлат автоинспекциясининг кундалик маълумотларидан яна шуни сезиш мумкинки, содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий қисми ҳаваскор ҳайдовчиларнинг машина бошқаришдаги нўноқликлари туфайлидир. Хўш, бунинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Балки ҳайдовчиларни тайёрлаб берувчи автомотоҳаваскорлар жамияти мактабларини ислоҳ қилиш керакдир.

Бу саволларга жавоб топиш мақсадида Тошкент автомотоҳаваскорлар жамиятининг ўқув юрти фаолияти билан қизиқдик.

— Тўғриси, кейинги пайтларда автомашиналар кўпайгани сайин ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлишни орзу қилувчиларнинг ҳам миқдори ошиб кетди. Лекин бу билан сифатни назардан қочириш керак эмас, — дейди мактаб директори Аҳмаджон Мамажонов, — ҳаваскор енгил автомашина ҳайдовчиларининг ўқиш даври илгари 2—2,5 ойни ташкил этарди. Ҳозирда бу муддат 3,5 ой қилиб қатъий белгилаб қўйилган. Мактабимиз тажрибали ўқитувчилар ва йўриқчилар билан таъминланган. Эндиликда амалий машғулотларга 28 соат ажратилган. Ўқув қуролларимиз етишмасди. Яқинда Киев шаҳридан 6 та «тренажёр» (амалий машғулотлар учун), 10 та автоматлаштирилган имтиҳон машинаси ва 6 та такомиллаштирилган кўргазма қуроли сотиб олдик. Албатта, булар ўқитиш савиясини анча оширади.

Амалий машғулотлар ўтказишда автомобиллар эҳтиёт қисмлари муаммоси оғирлашса оғирлашдики, аҳвол яхши томонга ўзгармади. Лекин шунга қарамай техник носоз машиналарни машқларга чиқармаяпмиз. Унисидан бунисига қўйиб бўлсада, етарли созлаб, кейин ҳайдалмоқда.

Маълумки, ўқитиш нархи икки ярим бараварга ошди. Мактабимиз хўжалик ҳисобидалиги сабаб, юқорида саналган ўқув қуроллари, эҳтиёт қисмлар учун ўзимиз маблағ сарфлаймиз. Албатта, бунинг ўқитиш жараёнига ижобий таъсири катта. Эндиликда бозорга ўтилган бир пайтда хизматчиларимизнинг ойлик маошлари, нархи бир неча баробар ошган эҳтиёт қисмлар муаммоларини ечишимиз ҳам керак.

Мактабимизни битириб чиққанларнинг учдан икки қисми биринчи уринишдаёқ ДАИ имтиҳонларини топширишга эришмоқдалар. Кейинги йилларда чиқарган 2 мингдан зиёд битирувчиларимиздан саккиз кишининг автоҳалокат содир этганликлари ҳақида хабар олдик.

— Ҳозирда ҳайдовчиларни тайёрловчи ширкатлар ҳам очилган. Уларга муносабатингиз қандай?

— Биздаги мавжуд шароитларнинг уларда йўқлигига имоним комил. Катта пул эвазига ўқитиладиган ҳаваскорлар мосламасиз машиналар бошқаришларининг ўзи нотўғридир. Бундай ширкатларда таҳсил олувчилар кўпинча тезроқ, осонроқ йўл билан гувоҳномага эришиш мақсадини кўзловчилардан иборат бўлади.

Ю. ҚОБИЛЖОНОВ.

● СУРАТДА: йўриқчи Мирсодиқ Муҳамедов [ўнгда] шогирдлари билан йўлга чиқишдан олдин машинанинг созлигини кўздан кечирмоқда.

Суратқаш Д. АҲМАД.

ЁШЛАР МАРРА КЎЗЛАЙДИ

СЕРГО номли шўро хўжалигининг Сусам қишлоғидаги чорвачилик комплекси ўз самоғи билан Оҳангарон ноҳиясидаги энг забардаст корхона ҳисобланади. Бу ерда 760 дан ортиқ қорамол парвариш қилинади. Айни пайтда 340 бош сигирлар бор. Шу кунларда 266 бош сигирлардан сут соғиб олинаётир.

Йил бошида фермада сигир соғувчиларнинг умумий йиғилиши бўлганда, чорвадорлар ўзларининг мўлжалланган янги режаларини ишлаб чиқдилар. Қабул қилинган режаларга кўра бу йил чорвачилик комплексининг жамоаси 840 тоннадан ошириб сут топширади.

— Сут етиштиришни кўпайтириш ва давлатга сотишнинг реал имкониятлари яратилди, — дейди комплекс мудири Абдусамад Бердиев. — Ҳозирги кунда мутахассислар ёрдамида молларнинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ рацион ишлаб чиқилди. Майдалаб бўғланган пичан, лавлаги ва сенаж аралашмаси, донадор озуқа ҳамда маккажўхори силоси ҳисобига сигирларни парвариш қиляпмиз.

Дарҳақиқат, фермада ҳар куни соғиб олинаётган сут фақат соғин сигирлар ҳисобига 10 килограммдангa тўғри келаётир. Чорвачилик комплексининг жамоаси ўтган ойда режадаги 58750 килограмм ўрнига 70976 килограмм сут соғиб олди. Амалдаги ойда эса соғиб олинадиган сутнинг миқдори 76 тоннага етказилади.

Чорвачилик комплексида меҳнат қилаётган Б. Иброҳимова, Т. Анорбоева, Р. Эркабоева сингари тажрибали сигир соғувчиларнинг иш усуллари ёшлар ўртасида кенг ташвиқ қилинаётир. Дарвоқе, сўнгги пайтларда фермага анчагина ёшлар ишга келди. К. Жайловова, Д. Хидирова, Х. Йўлдошева, И. Жўраева, У. Тўраева сингари ёш қиз-жувонлар ҳозирданоқ молларни боқиш, сут соғиб олиш, бузоқларни парвариш қилишни пухта ўрганиб олдилар. Бу ерда меҳнат қилаётган Х. Аширқулов, Т. Бўктиров, Р. Норбоев сингари молбоқарлар, Н. Кенжабоева, Р. Махатова, Т. Тўраева сингари бузоқбоқарларнинг ҳам алоҳида хизматлари бор. Уларнинг ўз вазифаларига алоҳида масъулият билан ёндошишлари натижасида сўнгги икки ой мобайнида молларнинг кундалик семиришида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Комплекс жамоаси шу йилнинг ўзида 330 бош соғлом бузоқлар олиш, соғиб олинаётган сутнинг ёғлилигини 4 даражага етказиш, 200 бошдан зиёд ғунажинни соғин сигирлар қаторига ўтказишни, келгуси йилдан бошлаб эса сут етиштириш ялпи миқдорини 1000 тоннага етказишни асосий мақсад қилиб олдилар.

Ферма жамоаси бу йилдан бошлаб ижара усули билан меҳнат қилаётир. Шу мақсадда давлатга топширилаётган сутни фақат олий ва биринчи навда соғиб олишга киришилди.

Яқин кунларда фермага махсус совутиш аппаратлари ўрнатилади. Натижада ҳар 100 килограмм сутни 960 сўмдан ортиқроқ нарх билан сотиш имконияти яратилади.

— Биз маблағ топишнинг бошқа йўлларини ҳам излаяпмиз, — дейди комплекс бошлиғи Абдусамад Бердиев. —Ҳар йили ижарачи бригадирлар фермамиздаги ғўнгни текин олиб кетар эдилар. Биз бундай хўжасизликка чек қўйдик. Тўпланган ғўнгларни махсус чуқурларга тўкиб, устини беркитиб чиритиб қўямиз. Вақти келиб уни далачилик бригадаларига, парник хўжалигига сотамиз. Фақат ғўнгнинг ўзидан бу йил 80 минг сўмдан кўпроқ даромад олиш кўзда тутилган.

Фермага ёшлар келди. Бу ерда меҳнат қилаётган бригадирдан тортиб то чорвачилик механизаторларигача ёш йигит-қизлардир. Фермада улар учун қулай имкониятлар яратилган. Ёш сигир соғувчилар учун «Тажриба мактаби» фаолият кўрсатмоқда. Зеро, уларнинг режалари ҳам катта. Чорвачилик комплексининг ёшлари юксак маррани кўзлаяптилар.

М. ҚАЮМОВ.

ФОЙДАДАН ҚОПЛАНМОҚДА

Тошкентдаги «Узстройконструкция» тажриба-механика заводининг ходимлари завод ошхонасида унчалик кўп пул сарфламай тушлик қилишлари мумкин. Директор буйруғига кўра ҳар бир ходим учун тушлик қийматини қисман қоплаш назарда тутилган. Ана шу фарқ корхона фойда жамғармасидан тўланади.

Ҳар ой тугаши билан табелчилар неча кун ишлганлигини ҳисоблаб чиқишади ва бир иш куни учун бир сўм ҳисобидан қанча пул тўланишини аниқлашади. Шундай қилиб, ошхонадаги тушлик нарх ошиши арафасидаги даражадан унча қиммат бўлмайди.

М. КИМ,
ЎзТАГ мухбири.

•АДАБИЁТ ВА САНЪАТ

ТУРКОНА ТУЙҒУЛАР

• Акс садо

МАЪЛУМКИ, турғунлик даврида турли таъсирлар сабаб тўйга даҳлдор одатларнинг кўпи урфдан чиқиб, унга боғлиқ бўлган қўшиқлар таомилдан тушиб қолди. Бу миллат учун катта маънавий йўқотиш бўлганлиги бугун очиқ айтилмоқда. Энди халқимиз путур етган қадрини қайта тиклаётган, она тилимиз, тарихимиз, маданиятимиз муносиб ўрнини топаётган бир пайтда асоссиз унут бўлган туркона қўшиқларимизга ҳам эътибор кучайди. Бунда «Тошкент ҳақиқати»нинг ҳам хизмати бор. Рўзномада туркона туйғулар: «Ёр-ёр», «Ўлан», «Лапар», «Келин салом» тарғиботига алоҳида эътибор қилинаётганлиги айни муддао. Мазкур хайрли ишнинг аҳамияти тўғрисида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча. Лекин қуйида биз «Ёр-ёр айтишни биласизми?» (Х. Жалилова, 1991 йил 11 январь) мақоласи ҳақида бироз эътирозли фикрларни ҳам билдиришни истардик. Умидворимизки, бу хусусий мулоҳазалар шунчаки қизиқиш, ўзини билимдон фаҳмлаш ёки ўткинчи ҳиссиётнинг маҳсули деган маънони англатмайди. Шунингдек эътирозлардан мақсад рўзноманинг нуфузига соя солиш эмас. Қолаверса, мақола муаллифи кимлигидан ҳам бехабармиз.

Энди Х. Жалилова билан ёр-ёрларга назар ташлайлик

Осмондаги ойларни
Сотган отам, ёр-ёр,
Ўз қизини танимай
Сотган отам, ёр-ёр.
Ўз қизини ўрнига
Бодом эксин, ёр-ёр,
Бодом шоҳи қайрилса,
Болам десин, ёр-ёр.

Агарда мазкур байтни сўзларнинг луғавий маъносига асослаб талқин этсак, эрксиз қизнинг ҳаётдаги энг юқори талаби қондирилмаганлиги — ўз севганига берилмаганини мунгли ва таъсирли ифодаси десак бўлади. Бу нола — тўй қўшиғи. Лекин у мазмунига кўра ҳозирги тўй маросимининг моҳияти билан уйғунлашган эмас. Қўшиқдаги мазмун бевосита аниқ воқелик — аёллар эрксизлиги билан шартланган бўлиб, у кўпроқ ўтмишдаги никоҳ тўйларининг мазмунига мос тушади. Бугунги кунда қизларнинг истак-хоҳишларига кўп ҳолларда ота-оналар эътибор қилмоқда. Натижада куёв ва келиннинг ихтиёрий ҳолда турмуш қуриши таъмин этилмоқдаким, бу ҳолат қувноқ қўшиқлар билан уйғунлашса тўй руҳига мос тушади. Ҳозирги пайтда қадимда куйланган қатор қўшиқларнинг мазмуни билан замонавий тўй маросимлари ўртасида бир қатор тафовутлар юзага келдики, буни ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ. Мазкур фикрларни бундан аввал филология фанлари доктори Баҳодир Саримсоқов «Ўзбек тили ва адабиёти» ойномасида эълон қилинган мақолаларидан бирида чуқур илмий таҳлил этгани кўпчиликка маълум. Фикримизча, ўша мақола ўз вақтида оммавий рўзномаларнинг бирортасида ёритилганида ушбу мулоҳазаларимизга эҳтиёж қолмас эди. Тўғри, юқоридаги қўшиқларни ҳам аёллар ўз турмушларидан олиб айтганлар. Бу сўзлар нечоғлик оғир бўлмасин, аммо тарихий ҳақиқат. Бироқ бу тушунча шарқона туйғуларнинг (айниқса, тўйга даҳлдор бўлган) барчаси мазмунан хазина бўлган деган маънони англатолмайди. Таассуфки, ҳозирги пайтга қадар қадимий қўшиқларга деярли бир томонлама ёндошилди. Яъни бу қўшиқ ва анъаналар ўтмишда аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида турмуш ва ҳаёт синовидан ўтган ахлоқий мезонлар эканлиги атайин тан олинмади. Қадимдан бутун жаҳон донишмандларини ҳайратга солиб келаётган шарқ аёлининг юксак бадиий иқтидори маҳсули, ҳаё ва латофатнинг рамзи бўлган, инсонни ахлоқий ва маънавий баркамол қилишга хизмат этган ижодиётнинг бетакрор намуналари имкон қадар кўздан йироқ тутилди. Бундай сохта уйдирма ҳукмномадан асосий мақсад халқнинг ўзлигини англашга имкон бермаслик, ўтмишни ўрганишдан ҳазар қилишга ундаш эди. Чунки **халқ қанчалик авом бўлса, шунчалик муте бўлади! Ўз тарихининг нурли саҳифаларини мукаммал билмаган, ундан ғурур туйғусини кўнглига тугиб олмаган миллатнинг келажаги бўлмайди.** Ҳа, тарих ҳасрату аламдангина иборат дейилган ақида оммага қайта-қайта синдирилдиким, унинг салбий оқибатларига бугун ўзимиз гувоҳмиз. Ҳолбуки, миллатни уйғотмаслик сиёсати авж олган даврдаёқ шарқ оналари ижодиётининг нақадар пурмаъно, ўта завқли, жозибадор хусусиятлари ўзбек ва жаҳон олимлари ижодида илмий асос топиб тан олинган, монографиялар нашр қилинган эди. Қолаверса, қадимий ўзбек тўйининг манзарасини акс эттирувчи манбалар ҳам кам эмас.

«ЁР-ЁР» АЙТИШНИ БИЛАСИЗМИ?» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...

Келинг, фикримиз асосли бўлиши учун Ойбек таъриф этган мозийдаги тўй манзарасини эсга олайлик: «Ногоҳ «келин келди!» сурони ҳавони янгратиб юборди. Инсон тўлқини бирдан чайқалиб кетди. Чиройли безатилган юзларча аробаларда ўз манзилидан чиққан келин карвони юрди. Йўлнинг ҳар икки томонида турнадай қатор тизилган созандалар чалган удлар, танбурлар, сеторлар, чанглар, дафлар, найларнинг садолари мавжида тантана билан «Боғи жаҳон аро» томон аста оқди. Келиннинг атрофида, орқасида келаётган гуруҳ-гуруҳ аёллар туркона расм билан «Ёр-ёр» айтдилар:

Қайси чамандан эсиб
келди сабо, ёр-ёр,
Ким дамидин тушди ўт
жоним аро, ёр-ёр...

Яна ҳаммаёқни сурон босди. Тўй тантанаси баҳор тошқинидай кучли тўлқин билан катта саҳнига ёйилиб кетди».

Ҳа, бўзчисидан шоири, созандасидан куйловчиси кўп бўлган бу юртда азалу азалдан шодлик ва бахтиёрлик лаҳзаларини тараннум этувчи тўй қўшиқларининг адоғи бўлмаган.

Шундай «Ёр-ёр»лар борки, унда келиннинг шахсий сифатлари — хушмуомалалиги, қадду қомати, соҳибжамоли, қўйингки, аёл кишига хос бўлган фазилатлар қанча бўлса, ҳаммаси куйга солинади. Гарчи келиннинг тавсифи узундан-узоқ бўлса ҳам эшитувчилар зериқмайди.

Соф севги тараннум қилинувчи лирик қўшиқлар ижрода нафис пардаларга кўтарилганда қалбларнинг тубтубига етиб бориб тингловчи қалбини селдек оқизади. Юморга бой қўшиқлар эса тўй иштирокчиларида хуш кайфият, яхши кўтаринкилик пайдо қилади. Дунёдаги ҳеч бир халқда такрорланмайдиган шарқона туйғулар бугунги тўй руҳига ҳам мос тушади:

Осмондаги ойларни
Сакқиз денглар, ёр-ёр.
Саккиз қизнинг сараси
Келди денглар, ёр-ёр.

«Ёр-ёр, ёр-ёр, ёр-ёр-ей» байтида «ойларни» эмас, аксинча, «юлдузни» бўлганда шеърий мантиққа тўғри келарди (аслида ҳам халқ бу қўшиқда ҳар доим «юлдузни» дейди). Бундай нуқсонли берилган бошқа тўртликлар таҳлилида ҳам кўриш мумкин.

Халқ қўшиғи — қалб кўзгуси. Инсонга хос нимаики мавжуд экан улар қўшиқларда ўз аксини топади. Улардаги ифода содда ва теран бўлиб, ҳар бир сўз замирида халқ поэтик тафаккури тарихи ётади. Қўшиқдаги бирорта сўзда мантиқ англашилмовчилигини сезмайсиз. Халқ қўшиқларини ҳис этиш ва хусусан, матбуот орқали эълон қилишда буларни унутмаслик керак.

Муҳаммад АҲМЕДОВ,
тадқиқотчи.

• Мушоира-91

● ИСЛОМ Ҳамровнинг шеърлари жумҳурият матбуотида мунтазам босилиб туради. У айни кунларда «Ёш ленинчи» рўзномасида хизмат қилаётир. Исломнинг мақолари «Тошкент ҳақиқати» рўзномасида биринчи марта чоп этилмоқда.



ОТАМНИНГ ДЕГАНЛАРИ

Болам, энди муҳаббатни қўй,
Мадҳ этдинг кўп баҳорни, гулни.
Шоир бўлсанг, аввал ерни суй,
Ёзар бўлсанг, уйғотгин элни.
Денгизинг кўл, тупроғинг оғу,
Сен-чи, мақтаяпсан ҳануз булбулни.
Агар бўлолмаса халқингга мадад,
Суғуриб ташлагин оғзингдан тилни.
Болам, ёзар бўлсанг ҳақиқатни ёз,
Қўрқмасдан очавер энди кўнгилни.
Бардош беролмаса кул бўлсин қоғоз,
Оддий кишиларга чўз энди қўлни.
Болам, сафсатани бир четга қўйгин,
Етар таъриф қилмоқ сочи сунбулни.
Энди «элим» деган, «тилим» деб
ёзгин,
Бўлмаса оқ қилгум сендек ўғилни!

ОҚСАРОЙИДА

— Жоним калтакланган, жоним
оғрийди,
Томирда ҳўрланган қоним оғрийди,
Бобо, бир сўз дегин, бир оғиз гапир,
Сендан қолган шухрат-шоним оғрийди.
Бобо, бир сўз дегин, бир оғиз гапир,
Сен ўғри эдингми, сен қонхўр ғажир?
Сенга отилган тош юракка тегар,
Юрагим қонталаш, юрагим оғрир.
— Болам, ўтмишини билмаган болам,
Аждодини кўзга илмаган болам,
Эътиқод, имонни бозорда сотиб
Ғурури ўлса-да ўлмаган болам,
Эътиқод, имонни бозорда сотиб,
Ўзинг ўтмишингга қора тош отиб,
Бугун сену менга Оқсарой гувоҳ,
Болам, паст кетибсан балчиққа ботиб...
Мен қилган ишларга Оқсарой гувоҳ,
Сен қилган ишларга оҳ сарой гувоҳ.
Мен ўзни оқламам, охир-оқибат,
Тарих айтар бир кун: ким ҳақ, ким
ноҳақ?

* * *

Мен сенга тасалли бермасман,
Кўзимдан ёш оқмас куйдим деб.
Узун тун эзилиб қарғайман,
Юрагим, сен нега суйдинг деб?
Айблай ҳам билмасман мен сени,
Муҳаббат... Ёлғончи... Ёлғончи.
Кечалар бағрингда ўзга ёр,
Мен қучиб ётаман армонни.

Ислом ҲАМРО.

ҲИНДИСТОНГА САФАР

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ» бирлашмаси қошидаги «Ханда» жумҳурият маркази санъаткорлари Ҳиндистонга — навбатдаги ижодий сафарга жўнаб кетишди. Шерқўзи Ғознев, Санобар Раҳимова, Мавлуда Турдиева, Турсуной Сафоева каби истеъдодли хонанда, созанда ва раққосалардан ташкил топган бу ижодий жамоа аъзолари 11—26 апрель кунлари Бомбей, Деҳли, Агра ва Жайпур шаҳарларида ўз санъатларини намойиш этадилар.

Маълумки, «Ханда» маркази ва Ҳиндистоннинг «Бомбей арт группа» ҳамда «Индиан маджик группа» жамоалари ўртасида ижодий ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома тузилган эди. Ана шу аҳдлашувга биноан тошкентлик ижодкорлар шу йилнинг бошларида ҳинд томошабинларига ўз концерт дастурларини тақдим этдилар. Бунга жавобан март ойининг бошларида ҳиндистонлик санъат усталари ўлкамизга ташриф буюришди. Улар Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бир неча кун меҳмон бўлишиб, ўзбек халқининг ҳаёти билан яқиндан танишдилар, диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар. Пойтахтимиздаги В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройида уларнинг якунловчи концертлари намойиш қилинди. Раж Капур, Мукеш, Муҳаммад Рафи, Кишор Кумар каби ҳинд санъатининг машҳур дарғалари хотирасига ва Наврўзга бағишланган бу қизиқарли томоша минг-минглаб санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдирди. Айниқса муҳташам санъат кошонасини тўлдирган мухлислар машҳур ҳинд кинофильмларида ижро этиладиган куй-қўшиқ ва рақслар ҳамда моҳир сеҳргар Ашок Бхандарининг юксак маҳоратидан олам-олам завқ олдилар.

Бу концертдан тушган маблағнинг муайян қисми Наврўз хайрия жамғармасига ўтказилди. У ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилди.

Мана, энди навбат — «Ханда»га. Ўзбек санъати усталарининг ҳинд диёри бўйлаб ўтадиган бу галги сафари ҳам таассуротларга бой бўлишига ҳеч шак-шубҳа йўқ. У ҳар иккала халқ ўртасидаги асрлар синовидан ўтган дўстлик ва қардошлик китобини янги боблар билан бойитади, деган умиддамиз.

Р. ҚУДРАТОВ.

ҚАРДОШ МАДАНИЯТЛАР БАЙРАМИ ОЛДИДАН

10 июндан 15 июнгача Тожикистонда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлади. Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Э. Самандаров ўтказган мажлис қардош халқлар маданиятининг бўлажак байрамига бағишланди.

Ўзбекистон ССР Маданият вазири Н. Е. Ғоибов маданият кунларига тайёргарликнинг бориши тўғрисида ахборот берди. Ўзбекистон маданияти кунлари қардош жумҳуриятларнинг кўпгина районларида — Кўлоб, Хўжанд, Қўрғонтепа, вилоятларида, Норак, Файзобод, Регар шаҳарларида ўтказилади. У ерларда ўзбек санъат усталари, ёзувчилар, рассомлар, меъморлар бўлишади, концертлар қўйиб берилади, Тожикистон меҳнаткашлари билан учрашувлар ўтказилади. Маданият кунларининг бирини, яъни 14 июнни Алишер Навоий йили шиори остида ўтказиш режалаштирилган.

Маданият кунлари арафасида оммавий ахборот воситалари жумҳуриятларимиз халқларининг тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳамдўстлигини кенг тарғиб қилишлари, бу жумҳуриятларнинг меҳнаткашлари, санъаткорлари тўғрисида кўпроқ ҳикоя қилишлари кераклиги таъкидланди.

(ЎзТАГ).

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси Тошкент ташкилоти ҳузуридаги ҳўжалик ҳисобидаги «Маърифат» халқ дорилфунуни 10 апрелдан бошлаб тугатилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон журналистлар уюшмаси Тошкент ташкилоти бошқаруви қошидаги «Маърифат» дорилфунуни сўзлари зарб қилинган муҳр ва штамп бекор қилинади. Даъволар эълон чиққанидан кейин бир ой мобайнида инобатга олинади.

Тошкент журналистлар ташкилоти бошқаруви.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

ДИҚҚАТ!
ЮҚОРИ БОСИМЛИ МАГИСТРАЛЬ ГАЗ ҚУВУРИ!

Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари ҳудудидан қуйидаги магистраль газ қувурлари ўтган:

Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд-Тошкент (тармоқлари билан);

Бухоро-Газли районы — **Тошкент-Бишкек-Олмаота;**

Газли-Чимкент;
Урсатьевская-Фарғона (тармоқлари билан);
Келиф-Душанбе;
кам олтингугуртли газли Шўртан-Сирдарё ГРЭСи-Тошкент ГРЭСи ва Муборак-Навоий газ қувурлари.

Газ қувури ва унинг иншоотлари (кранлар, тўсқичлар, ифода белгилари, катод станциялари ва ҳоказолар)га эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш — ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Эсингизда бўлсин, газ қувури — портлаш ва ёнғинларни келтириб чиқариши мумкин бўлган кучли хавф манбаи бўлиб, муҳофаза минтақасида ишларни олиб бориш қоидаларига риоя қилиш — Сизнинг хавфсизлигингиз гаровидир.

Газ қувурларидан бехатар фойдаланишни таъминлаш мақсадида СНИП 2.05.06—85 га мувофиқ қуйидагича хавфли минтақалар белгиланган:

Кам олтингугуртли газли газ қувурлари учун — газ қувурининг ҳар икки томонида 500 метрдан;

бошқа газ қувурлари учун — газ қувурининг ҳар икки томонида 250 метрдан.

Одамлар қурбон бўлиши ва моддий зарар қўрилишининг олдини олиш мақсадида газ қувурининг хавфли минтақасида;

бирон-бир иморатларни қуриш;

дала шийпонлар, хирмонлар, ёнилғи қуйиш пунктларини жойлаштириш;

моллар учун қўралар ва сувлоқлар барпо этиш;

Силос бостириладиган чуқур қазиш, пичан ғарамлаш, пахтани қуритиш ва сақлаш учун майдончаларни вужудга келтириш;

қум ва бошқа карьерларни бунёд қилиш, ахлат уюмларини тўплаш, сомон ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини ёқиш;

одамлар, техника, молларининг тўпланишига йўл қўйиш

ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ

Газ қувурининг муҳофаза минтақасида қишлоқ хўжалиги ва қурилиш-монтаж ишларини фақат «Ўзбектрансгаз» магистрал газ қувурлари бошқармаси билан келишилганидан кейингина олиб бориш мумкин.

Газ қувурининг хавфли минтақасида қурилган бинолар ва иншоотлар бузиб ташланади.

Ана шу газ қувурларидан фойдаланувчи корхоналар (ташкилот)ни экин экиш ва ҳосил йиғим-терими кампанияси бошланганлиги тўғрисида олдиндан огоҳлантирилгандан сўнггина ердан фойдаланувчилар газ қувурларининг муҳофаза минтақаларида қишлоқ хўжалиги, дала ишларини бажаришлари мумкин.

Газ қувурларининг муҳофаза минтақаларида жойлашган суғориладиган ерда бажарилиши керак бўлган, ерларни вақтинча сув босиши билан боғлиқ ишлар ердан фойдаланувчилар ва газ қувуридан фойдаланувчи корхона (ташкилот)лар ўртасидаги келишувга мувофиқ амалга оширилади.

Магистраль газ қувурлари ва улар бўйлаб ўтган электр узатиш линиялари жойлашган минтақалардаги янги ерларни режалаштириш ва ўзлаштириш, йўллар қуриш, кабель ётқизиш, сув қувурлари бошқа ер ости, ер усти ва ердаги коммуникацияларни ўтказиш фақат «Ўзбектрансгаз» магистраль газ қувурлари бошқармаси томонидан берилган техникавий шартлар асосида ва ана шу бошқарма билан келишилган ҳолда бажарилиши шарт.

«Ўзбектрансгаз» манзили: Тошкент, ГСП, Педагогика кўчаси, 31«а» уй, телефон 56-38-07.

Газ қувурлари ва электр узатиш линиялари ўтган жойлардаги хавфли минтақада ўзбошимчалик билан қурилиш ва ер ишларини олиб бориш авариялар, бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқариши ҳамда моддий зиён ва бошқа жиддий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Магистраль газ қувурлари яқинида ҳушёр ва эҳтиёткор бўлинг!

«УЗБЕКТРАНСГАЗ» МАГИСТРАЛЬ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ БОШҚАРМАСИ.
«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси

2-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

Билим юрти ўрта маълумотли фотонабор электрон қурилмаларида ишловчи оператор, мусаҳҳиҳ-ҳарф терувчи офсет босма матбаачилари, линотипчи, ҳарф терувчи, матбаачи ва муқовачиларни тайёрлайди.

Билим юртига 9—11-синфни тамомлаган 15—18 ёшдаги ўғил ва қиз болалар қабул қилинади.

9-синф маълумотига эга бўлганлар уч йил, тажриба гуруҳларига қабул қилинганлар 2 йил ўқишади ва тўлиқ ўрта маълумот ва касб олганликлари тўғрисида ҳужжат оладилар. Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош ва 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

11-синфни битирганлар учун ўқиш муддати 10 ой бўлиб, 39 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар. Билим юрти ўзининг устахонасига эга. Ишлаб чиқариш таълими даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар Москва ва Львов полиграфия институтларига, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳининг полиграфия бўлимига ўқишга юборилади.

Билим юртини уч баҳоларсиз тугатганлар имтиҳонсиз Тошкент полиграфия техникумига қабул қилинадилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГА КИРАДИ.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Зарурий ҳолларда ётоқхонадан жой берилади.

Ўқиш — 1 сентябрда бошланади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли), 6 дона фотосурат (3х4 см.).

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Чилонзор район, Нурхон кўчаси, 21-уй (метронинг «СССР 50 йиллиги» бекати).

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

48-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

аёллар, эркаклар ва болаларнинг устки кийимларини тикиш бўйича моҳир чевар бўлиб етишиш истагида бўлган 9—11-синф битирувчиларини

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

9-синфларни битирганлар 1—3 йил ўқийдилар ҳамда бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. Бир йиллик таълим дастури бўйича ўқийдиганлар касбий маълумот ҳамда тикувчи малакасини эгаллайдилар ва Тошкент «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси база корхонасига ишга юборилади. 3 йил ўқийдиганлар касбий ва тўлиқ ўрта маълумот оладилар.

Билим юртини имтиёзли битирган ўқувчиларнинг 10 фоизи олий ўқув юртлари ва техникумларга ўқишга кириш учун йўлланма оладилар.

11-синфни битирганлар 6 ой ўқийдилар ва ойига 39 сўмдан 60 сўмгача стипендия оладилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида барча ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГА ҚУШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юрти ўқувчилари «Қизил тонг» фабрикаси ҳудудида жойлашган маиший ва тиббий хизматлар, профилакторий, саноат моллари ва озиқ-овқат дўконларидан фойдаланишлари мумкин.

Билим юрти қошида ўқувчилар «Модалар театри» ва И. Ганди номидаги Тикувчилар маданият саройи базасидаги ҳар хил ижодий, спорт тўгаракларида ишлаб турибди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, тиббий маълумотнома, турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан маълумотномалар, 3×4 см катталикдаги 4 та фотосурат.

Билим юрти манзили: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5 «а» уй (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар; 1, 5, 8, 17-троллейбуслар; 2, 3, 25, 60, 71, 80-автобусларнинг «Қизил тонг» бирлашмаси бекати).

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

29, 30 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг совриндори

ГИЁС БОЙТОЕВ

ижросида

КАТТА КОНЦЕРТ

Программани — ЎТКИР СИДДИҚОВ олиб боради.

Чипталар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида сотилади.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 45-92-13, 41-74-30.

«Юбилей» Марказий спорт саройида

24—28 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ
«ИБН-СИНО» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИНИНГ ЕТАКЧИ ЭКСТРАСЕНСИ ВА РУҲИЙ МУОЛАЖАКОРИ

Дилдор Яҳёева

СОҒЛОМЛАШТИРИШ СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Қатор сурункали (хроник) касалликлар, юмшоқ тўқима аъзолари, юрак, қон-томир, жигар, ўпка, талоқ, тери ва бошқа касалликларнинг самарали тузалиши тажрибада кузатилган. Айниқса, буйрак ва ўт пуфагидаги тошлардан тиғсиз фориғ бўлганлар жуда кўпчиликни ташкил этади.

Шахсий яшириш имкониятингизни сафарбар этишни, ўз иш қобилиятингизни оширишни, руҳан бардамликни истасангиз, шунингдек ўзингиз кутмаган бошқа сирли ҳислатларга эга бўлишни хоҳласангиз.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ СЕАНСЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Сеанслар соат 12.00 ва 15.00 да бошланади.

Чипталар «ЮБИЛЕЙ» Марказий спорт саройи кассаларида ва жамоатчи тарқатувчилар томонидан сотилмоқда.

Тошкент ҳақиқати («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353, масъул котиб ўринбосарлари — 325750, бўлимлар: мафкура, ёшлар ҳаёти ва ахборот — 325778, 325645, 337010, Қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти — 325733, ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767, адабиёт ва санъат — 325553; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354, жамоатчи кенгаш қабул хонаси — 33-40-48, 325354, эълонлар бўлими —325727.

Буюртма — 5216. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12